

MATHEMATICAL MODEL OF THE EFFICIENCY OF INVESTMENTS AIMED IN THE IMPLEMENTATION OF WATER-SAVING TECHNOLOGIES

A.A. Mirzaev

Institute of Irrigation and water problems Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan

Abstract

Ensuring the efficiency of investments in water-saving irrigation technologies is crucial for sustainable agriculture, resource conservation, and economic feasibility. This study presents a mathematical model to evaluate the effectiveness of investments aimed at implementing water-saving technologies, considering economic, hydrological, and technological factors. The research findings indicate that government subsidies play a key role in increasing the profitability of water-saving systems, while different subsidy forms, such as tax exemptions and financial incentives, significantly enhance investment attractiveness. The study also highlights that mathematical modeling allows for accurate prediction of cost-benefit ratios, ensuring more efficient planning and decision-making in irrigation modernization projects. These insights contribute to improving water management strategies, optimizing investment allocation, and promoting long-term agricultural sustainability.

Keywords: water-saving technologies, mathematical model, investment efficiency, irrigation systems, economic feasibility, government subsidies, cost-benefit analysis.

МАТЕМАТИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИЙ НАПРАВЛЕННЫХ НА ВНЕДРЕНИЕ ВОДОСБЕРЕГАЮЩИХ ТЕХНОЛОГИЙ

А.А.Мирзаев

Научно-исследовательский институт ирригации и водных проблем Министерство водного хозяйства Республики Узбекистан

Аннотация

Обеспечение эффективности инвестиций в водосберегающие технологии орошения имеет решающее значение для устойчивого сельского хозяйства, ресурсосбережения и экономической целесообразности. В данном исследовании представлена математическая модель для оценки эффективности инвестиций, направленных на внедрение водосберегающих технологий, с учетом экономических, гидрологических и технологических факторов. Результаты исследования показывают, что государственные субсидии играют ключевую роль в повышении рентабельности водосберегающих систем, в то время как различные формы субсидий, такие как налоговые льготы и финансовые стимулы, значительно повышают инвестиционную привлекательность. В исследовании также подчеркивается, что математическое моделирование позволяет точно прогнозировать соотношение затрат и выгод, обеспечивая более эффективное планирование и принятие решений в проектах модернизации ирригации. Эти данные способствуют совершенствованию стратегий управления водными ресурсами, оптимизации распределения инвестиций и продвижению долгосрочной устойчивости сельского хозяйства.

Ключевые слова: водосберегающие технологии, математическая модель, эффективность инвестиций, ирригационные системы, экономическая целесообразность, государственные субсидии, анализ затрат и выгод.

СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ

А.А.Мирзаев

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Аннотация

Сувни тежайдиган суфориш технологияларига инвестициялар самарадорлигини таъминлаш барқарор қишлоқ хўжалиги, ресурсларни тежаш ва иқтисодий мақсадга мувофиқлик учун жуда муҳимдир. Тадқиқот ишида иқтисодий, гидрологик ва технологик омилларни ҳисобга олган ҳолда сув тежовчи технологияларни жорий этишга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг математик модели келтирилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, сувни тежайдиган тизимларнинг рентабеллигини оширишда давлат субсидиялари асосий роль ўйнайди, солиқ имтиёзлари ва молиявий рағбатлантириш каби субсидияларнинг турли шакллари эса инвестиция жозибадорлигини сезиларли даражада оширади. Шунингдек, тадқиқотда таъкидланишича, математик моделлаштириш харажатлар ва фойда нисбатларини аниқ башорат қилиш имконини беради, бу эса ирригацияни модернизация қилиш лойиҳаларида янада самарали режалаштириш ва қарор қабул қилишни таъминлади. Ушбу маълумотлар сув хўжалиги стратегияларини такомиллаштириш, инвестицияларни оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалигининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Таянч сўзлар: сув тежовчи технологиялар, математик модель, инвестициялар самарадорлиги, суфориш тизимлари, иқтисодий мақсадга мувофиқлик, давлат субсидиялари, харажатлар ва фойда таҳлили.

Кириш

Жаҳонда иқлим ўзгариши билан боғлиқ сув тақчиллиги шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришда самарали суфориш технологияларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. “Дунё миқёсида магистрал каналларда сув етказиш билан боғлиқ технологик жараёнда ўртача 35-40 фоизгача, суфориладиган майдонларда 25-30 фоизгача сув ресурслари йўқотилишини ҳисобга олсан”, бу соҳада илмий ва амалий тадқиқотларни талаб даражасида ташкил этиш, ирригация каналларида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, экинларни суфоришда янги замонавий инновацион технологияларни синаб кўриш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади [1, 2, 3]. Бу эса ўз навбатида соҳага катта масштабдаги давлат ва чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишни талаб этади. Шу жиҳатдан сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга йўналтирилган инвестициялар хавфсизлиги ва самарадорлигини

таъминлайдиган иқтисодий усулларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Математик моделлаштириш. Математик моделни ишлаб чиқиш учун тегишли соддалаштириш ва фаразларни амалга оширамиз. Яъни, суғориш технологияси жорий этилган (тадқиқот обьектида) суғориладиган майдонга бериладиган сув лимити $W_{\text{лимит}}$, йилнинг сув таъминотидан келиб чиқсан ҳолда лимитга ўзгартириш киритиладиган бўлса, бу миқдор куйидаги катталик билан аниқланади $\bar{\Delta}$. Сувни тежайдиган технология қўлланилишидан аввал беҳудага йўқотиладиган сув миқдори δ . У ҳолда вегетация даврида далага сув олиш ҳажмини вақт бўйича динамикаси куйидаги тенглама орқали ифодаланади [4, 5, 6]:

$$\dot{W}_t = \bar{\Delta} - \delta \Delta_t,$$

Бу ерда: Δ_t - t вақтдаги сув истеъмоли.

Сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этилиши беҳуда йўқотиладиган сув миқдорини $\bar{\delta} < \delta$ гача камайтириш имкониятини яратади. Бунда сувни тежайдиган технологияни қўллаш лойиҳасининг қиймати Λ ни ташкил этади. Сувни тежашнинг ялпи харажатлари $\psi(t)$ функция орқали ифодаланади деб фараз қиласиз. У ҳолда $\Psi(0) = 0$, $\Psi'(\Delta) > 0$, $\Psi''(\Delta) < 0$ бўлади, сув ресурсларини манбаадан олиш ва транспортировка харажатлари мос равища $B(\Delta)$ функция орқали ифодаланиб, $B'(\frac{\bar{\Delta}}{\delta}) > 0$, $B''(\Delta) < 0$, тенгсизликларни ўринли деб фараз қиласиз. Ундан ташқари вегетация даврида қўшиб бериладиган сув миқдори сувга бўлган талабга нисбатан кичик $B'(\frac{\bar{\Delta}}{\delta}) < \Psi'(\frac{\bar{\Delta}}{\delta})$ бўлишини эътиборга оламиз. У ҳолда сув истеъмолини қондиришни оптималлаштириш масаласидан инвестиция самарадорлигини аниқлаш имкониятини берадиган масалага келамиз [7, 8]:

$$\max_{\Delta_t, T} \int_0^{\infty} (\Psi(\Delta_t) - B(\Delta_t)) e^{-\alpha t} dt - \Lambda e^{-\alpha T}$$

$$\dot{W}_t = \bar{\Delta} - \delta \Delta_t, t < T;$$

$$\dot{W}_t = \bar{\Delta} - \delta \Delta_t, t \geq T;$$

$W_t \geq 0$, $W_{\text{лимит}}$ – берилган катталиклар.

Ушбу масала ёчимини икки босқичда амалга оширамиз. T вақт моментида сувни тежайдиган технологияга инвестиция йўналтирилган бўлиб, ушбу вақт моментида ажратилган лимитдан қолган захира W_t ни ташкил этсин деб фараз қиласиз. У ҳолда қуйидаги масалага келамиз:

$$E(T, W_T) = \max_{\Delta_t \geq 0} \int_T^{\infty} (\Psi(\Delta_t) - B(\Delta_t)) e^{-\alpha t} dt;$$

$$\dot{W}_t = \bar{\Delta} - \tilde{\delta} \Delta_t, t \geq T; \quad (1)$$

$W_t \geq 0$, $W_{\text{лимит}}$ –берилган катталиклар.

Энди сувни тежайдиган технологияларга инвестицияларни йўналтириш учун оптимал моментни аниқлаш масаласига келамиз:

$$\begin{aligned} \max_{\Delta_t \geq 0} & \int_T^{\infty} (\Psi(\Delta_t) - B(\Delta_t)) e^{-\alpha t} dt + \Lambda e^{-\alpha t} + E(T, W_T); \\ \dot{W}_t &= \bar{\Delta} - \delta \Delta_t; \end{aligned} \quad (2)$$

$W_t \geq 0$, $W_{\text{лимит}}$ – берилган катталиклар.

λ_t туташ функция. У ҳолда келтирилган қиймат терминида гамильтонион қуидаги қўринишга келади:

$$H_t = (\Psi(\Delta_t) - B(\Delta_t)) e^{-\alpha t} dt + \lambda_t (\bar{\Delta} - \delta \Delta_t).$$

Вегетация давридаги лимитдан қолган сув миқдорини $v_g \equiv B'_g(\Delta_t)$ орқали белгилаб оламиз.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда биринчи тартибли шартни ёзиб оламиз:

$$\Psi'(x_t) \begin{cases} \leq B_g + \delta \lambda_t e^{\alpha t}; \\ = B_g + \delta \lambda_t e^{\alpha t}, \text{агар } \Delta_t > 0. \end{cases} \quad (3)$$

$$\lambda_t \begin{cases} = 0, \text{агар } W_t > 0; \\ \leq 0, \text{агар } W_t = 0. \end{cases} \quad (4)$$

Бунда, T вақт моментида лимитдан қолган захирани аниқловчи трансверсаллик шарти қуидагича ифодаланади:

$$\lambda_T = (E(T, W_t) e^{-\alpha t})'_{W_t}. \quad (5)$$

Ундан ташқари инвестиция жалб қилиш моментини аниқловчи трансверсаллик шарти қаноатланиши шарт бўлади

$$H_T^- = -\frac{d}{dT} ((E(T^+, W_T) - \Lambda) e^{-\alpha T^+}) = -\frac{d}{dT} (E(T^+, W_T) e^{-\alpha T^+}) - \alpha \Lambda e^{-\alpha T^+},$$

бу ёрдан қуидагига эга бўламиз:

$$H_T^- + \alpha \Lambda e^{-\alpha T^+} = -\frac{d}{dT} (E(T^+, W_T) e^{-\alpha T^+}) - \alpha \Lambda e^{-\alpha T^+} \quad (6)$$

(6) тенгламадан қўриниб турибдики, $E(T^+, W_T) e^{-\alpha T^+} = \int_T^{\infty} (\Psi(\tilde{\Delta}_t) - (\tilde{\Delta}_t)) e^{-\alpha t} dt$ бўлади, бу ёрда: $\tilde{\Delta}_t$ -(1) масала учун оптимал траекторияни ифодалайди.

$$-\frac{d}{dT} (E(T^+, W_T) e^{-\alpha T^+}) = e^{-\alpha T^+} (\Psi(\tilde{\Delta}_+) - C(\tilde{\Delta}_{T+})) - \lambda_{T+} (\bar{\Delta} - \tilde{\delta} \Delta_{T+}).$$

Олинган ифодани (6) тенгламага олиб бориб қўйиб, тегишли математик амаллардан сўнг қуидаги тенгламага эга бўламиз:

$$\Psi(\tilde{\Delta}_T^-) - B(\tilde{\Delta}_T^-) - \lambda_T e^{\alpha T} \delta \Delta_T^- + \alpha \Lambda = \Psi(\tilde{\Delta}_T^+) - B(\tilde{\Delta}_T^+) - \tilde{\delta} \Delta_T^+. \quad (7)$$

Бу ёрда: $(\Psi(\tilde{\Delta}_T^-) - C(\tilde{\Delta}_T^-) - \lambda_T e^{\alpha T} \delta \Delta_T^-)$ -инвестиция жалб қилинишигача бўлган даврда сувга бўлган талаб. $(\Psi(\tilde{\Delta}_T^+) - C(\tilde{\Delta}_T^+) - \tilde{\delta} \Delta_T^+)$ - инвестиция амалга оширилгандан кейин сувга бўлган талаб. Юқоридаги шартлар, инвестицияни шундай вақт моментида жалб қилишилигини, ушбу моментда сувни тежайдиган технология жорий этилиб, суғориладиган майдонларни сувга бўлган талаби қондирилиши зарур бўлади [9, 10].

(3) шартга қўра қуидагига эга бўламиз:

$$\Psi'(\tilde{x}_T^-) \Delta_T^- = (B_g + \delta \lambda_T e^{\alpha T}) \Delta_T^-.$$

(1) учун аналогик шартлардан қуидагига эга бўламиз:

$$\Psi'(x_T^+) \Delta_T^+ = (v_g + \delta \lambda_T e^{\alpha T}) \Delta_T^+,$$

Ушбу ифодани (7) тенгламага олиб бориб қўямиз ва қуидаги тенгсизликка эга бўламиз:

$$\Psi(\Delta_T^-) - \Psi'(\Delta_T^-) \Delta_T^- + v_g \Delta_T^- - B(\Delta_T^-) + \alpha \Lambda = \Psi(\Delta_T^+) - \Psi'(\Delta_T^+) \Delta_T^+ + v_g \Delta_T^+ - B(\Delta_T^+) \quad (8)$$

Шарт бўйича фойдалалик коэффициенти қавариқ ва $\Psi(0) = 0$, у ҳолда $(\Psi(\Delta) - \Psi'(\Delta)\Delta)$ функция Δ бўйича ўсади. Ундан ташқари қуидаги тенгсизлик ўринли бўлиб, $(v_g \Delta - B(\Delta))'_g = v_g + v_g' \Delta - v_g = v_g' \geq 0$. Ушбу тенгсизликдан $(\Psi(\Delta) - \Psi'(\Delta)\Delta + v_g - B(\Delta))$ функция x бўйича ўсади.

Натижада T вақт моментида сувга бўлган эҳтиёж кескин ўсади, чегаравий самарадорлик кескин пасаяди (1-расм). Графикдаги кескин ўзгаришлар инвестиция лойиҳаси Λ қийматига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, инвестициялашнинг мақбул моменти қуидагича аниқланади:

$$\max_{\Delta_t \geq 0} \int_0^T (\rho_t \Delta_t - B(\Delta_t)) e^{-\alpha t} dt + \Lambda e^{-\alpha T} + Z(T, W_T);$$

$$\dot{W}_t = \bar{\Delta} - \delta \Delta_t; \quad (9)$$


$W_t \geq 0$, $W_{\text{лимит}}$ – берилган катталик

Бу ерда: $Z(T, W_T)$ инвестиция жалб қилиниши натижасида сувни тежаш технологиясини жорий этган истеъмолчи (фермер, кластер) томонидан олинадиган максимал фойда:

$$Z(T, W_T) = \max_{\Delta_t \geq 0} \int_T^\infty (\rho_t \Delta_t - B(\Delta_t)) e^{-\alpha t} dt;$$

$$\dot{W}_t = \bar{\Delta} - \tilde{\delta} \Delta_t, t \geq T; \quad (10)$$

$W_t \geq 0$, $W_{\text{лимит}}$ – берилган катталик.



1-расм. T вақт моментида сувга бўлган эҳтиёж ва чегаравий самарадорлик динамикаси.

T вақт моментида ресурс захираси бўйича трансверсаллик шарти қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$\xi = (Z(T, W_T) e^{-\alpha T})'_{W_T},$$

Бу ерда: ξ -лимит бўйича қолган сув заҳирасини баҳолаш коэффициенти. (9) масала бўйича инвестиция жорий этишнинг мақбул моментини қуидаги ифодалаш мумкин:

$$(\rho_T^- \Delta_T^-) - B(\Delta_T^-)e^{-\alpha T} + \xi_T (\bar{\Delta} - \delta \Delta_T^-) + \alpha \Lambda e^{-\alpha T} = (\rho_T^+ \Delta_T^+) - B(\Delta_T^+)e^{-\alpha T} + \xi_T (\bar{\Delta} - \delta \Delta_T^+)$$

Ёки қуидаги кўринишда ёзиб олиш мумкин

$$\rho_T^- x_T^- - B \Delta_T^- - \delta \xi_T e^{\alpha T} \Delta_T^- + \alpha \Lambda = \rho_T^+ x_T^+ - B \Delta_T^+ - \tilde{\delta} \xi_T e^{\alpha T} \Delta_T^+ \quad (11)$$

Юқоридагилардан кўринадики, ҳосилдан олинадиган даромад ва барча харажатлари ўртасидаги фарқ сув истеъмолчиси (фермер ёки кластер)нинг фойдасини кўрсатади. Биринчи тартибли шартни эътиборга олиб ва тегишли математик амаллардан сўнг қуидаги ифодага эга бўламиз:

$$v_g \Delta_T^- - B(\Delta_T^+) + \alpha \Lambda = v_g \Delta_T^+ - B(\Delta_T^+). \quad (12)$$

Шундай қилиб, $\Psi(\Delta_T^-) - \Psi'(\Delta_T^-)\Delta_T^- = \Psi(\Delta_T^+) - \Psi'(\Delta_T^+)\Delta_T^+$ шартда (8) ва (12) айният бажарилади.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, сув истеъмолчиси (фермер, кластер) ва давлат сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдан турли манфаат кўради. Яъни, давлат сувни тежайдиган технологияни субсидиялаши натижасида сув истеъмолчиси (фермер ёки кластер)нинг харажатлари $(1 - \tau)\Lambda$ катталикни ташкил этади, бу ерда: τ - субсидия ставкаси. У ҳолда (12) шарт қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$v_g \Delta_T^- - B(\Delta_T^-) + \alpha(1 - \tau)\Lambda = v_g \Delta_T^+ - B(\Delta_T^+). \quad (13)$$

Субсидия ставкасини шундай танлаш керакки, қуидаги тенгсизлик қаноатланиши керак:

$$v_g \Delta_T^- - B(\Delta_T^-) + \alpha \Lambda - (v_g \Delta_T^+ - B(\Delta_T^+)) = (\Psi(\Delta_T^+) - \Psi'(\Delta_T^+)\Delta_T^+) - (\Psi(\Delta_T^-) - \Psi'(\Delta_T^-)\Delta_T^-)$$

Ушбу тенглик ва (13) дан τ ни топиб оламиз:

$$\tau = \frac{(\Psi(\Delta_T^+) - \Psi'(\Delta_T^+)\Delta_T^+) - (\Psi(\Delta_T^-) - \Psi'(\Delta_T^-)\Delta_T^-)}{\alpha \Lambda}$$

Юқоридагилардан кўринадики, $(\Psi(\Delta) - \Psi'(\Delta)\Delta)$ ни ўсиши билан $\tau > 0$ бўлади. Яъни, сувни тежайдиган технологиялар фақат давлат томонидан субсидияланса самарага эга бўлади. Бунда субсидия турлича (солиқдан озод этиш, божхона тўловларидан озод этиш, молиявий маблағлар) шаклда бўлиши мумкин.

Хуноса

Самарави траектория параметрларини тадқиқи, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдан аввал сув истеъмолининг ишончлилик ҳолати пасайиши рўй беради. Аммо сувни тежайдиган технологияларнинг қўлланиши натижасида сув истеъмоли ҳажми камайиб, унинг самарадорлиги ортишини кўрсатди. Сувни тежайдиган технологиялар давлат томонидан субсидияланса самарага эга бўлади. Бунда субсидия турлича (солиқдан озод этиш, божхона тўловларидан озод этиш, молиявий маблағлар) шаклда бўлиши мумкин.

References:

1. Mahmudov I.E., Chen Xi, Jilili Abuduwalili, Xamraev Sh.R., Mahmudov E.J., Kuziev R.K., Sadieva U.A., Murodov N.K., Ernazarov A.I., Dolidudko A.I. «Issledovaniye

agromeliorativ-nykh parametrov territoriy basseyna reki Amudar'ya v usloviyakh izmeneniya klimata v Tsentral'noy Azii» ["Study of agro-ameliorative parameters of the territorial waters of the Amudarya River in the conditions of climate change in Central Asia"], Monograph. Tashkent. 2019. 320 p. (in Russian)

2. Mahmudov I.E., Ernazarov A.I., Dolidudko A.I. «Zakonomernosti dinamiki protsessov uvlazhne-niya pochvo-grunta pri borozdkovom polive sel'skokhozyaystvenykh kul'tur» [«Laws of dynamics of processes of soil moisture in furrow cultivation in agricultural lands»] // Monograph, Tashkent: Publishing House of Innovative Development Publishing House, 2020, 134 p. (in Russian)
3. Ernazarov A.I., Avlakulov M., Dolidudko A.I. «Zakonomernosti uvlazhneniya pochvo-gruntov pri borozdkovom polive khlopchatnika» [«Regularities of soil moistening during furrow irrigation of cotton»] // Monograph, Tashkent: FAN. 2019, 167 p. (in Russian)
4. I.E.Mahmudov, N Muradov "Evaluation of the management and Use of Water Resources in the Middle Reaches of the Syrdarya Basin" // Trans Tech Publications, Switzerland, 75-80, 2016;
5. Maxmudov I. E., Sadiev U. Razrabotka nauchno-metodicheskikh mer po povysheniyu effektivnosti i nadezhnosti upravleniya ispol'zovaniya vodnykh resursov v irrigatsionnykh sistemakh (na primere Karshinskogo magistral'nogo kanala) [Development of scientific-methodical measures on increase of efficiency and reliability of management of use of water resources in irrigation systems (on the first Karshinskogo main canal)] // Vodnomu sotrudничеству стран Центральной Азии – 20 лет: опыт и успехи. 2013. 141 p. (in Russian)
6. I.Makhmudov, E.Kazakov "Gidravlicheskaya model' regulirovaniya kolebaniy urovnya vody v Bol'shom Namanganskom kanale" [«Hydraulic model of regulation of water level in the Bolshoi Namangan canal»] Russian journal "Hydraulic engineering" №3 (60), Pp. 52-54. 2020. (in Russian)
7. I.Maxmudov, E.Kazakov "Hydraulic Modeling of Transient Water Movement in the Downstream of the Uchkurgan Hydroelectric Station" International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 7, Issue 6, June 2020, 14137-14140 R.
8. Makhmudov I.E., Makhmudova D.E., Muradov N.K. Otsenka potentsiala Chirchikskogo i Akhangarans-kogo rechnykh basseynov dlya povysheniya effektivnosti ispol'zovaniya stoka rek na territorii Respubliki Uzbekistana [Assessment of the potential of the Chirchik and Akhangaran river basins to increase the efficiency of river runoff use in the territory of the Republic of Uzbekistan] // Water conservation, reclamation and hydraulic structures as the basis for the formation of agricultural clusters in Russia in the XXI century.2016. Pp. 251-257. (in Russian)
9. Ernazarov A.I., Mahmudov I.E., Rajabov A., Gulomov O. Suv resurslarini boshkarish tizimini takomillashtirish va uni rakamli tekhnologiyalar asosida avtomatlashtirish [Improvement of water resources management system and its automation on the basis of digital technologies] // Proceedings of the national scientific-practical

conference "Problems and Solutions to the Efficient Use of Water Resources in Uzbekistan", Karshi 2021, Pp. 239-243. (in Uzbek)

10. Ernazarov A.I., Urazkeldiev A.B., Rajabov A., Karshiev R. Tomchilatib sugorish tekhnologiyasi asosida sugarishda tuprok-grunt namlanishi sokhasida namlik dinamikasining matematik modeli [Mathematical model of moisture dynamics in the field of soil-soil wetting in drip irrigation on the basis of drip irrigation technology] // Journal of Agro Science 2 (72), Tashkent 2021, p 68-69. (05.00.00; №3).(in Uzbek)

EFFICIENT USE OF WATER RESOURCES IN THE BASINS OF SMALL RIVERS

F. Gapparov¹, M.F. Gafforova²

¹Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers.

²Research Institute of Irrigation and Water Problems

Abstract

The sustainable management of water resources in small river basins is crucial for efficient irrigation, flood prevention, and long-term agricultural productivity. This study examines the hydrological characteristics and operational efficiency of the Govasay River basin, located in the northern part of the Fergana Valley. The efficiency coefficient of irrigation canals was analyzed, revealing an operational effectiveness of 65-75%, necessitating technical improvements in water distribution systems. A GIS-based water management program was developed to enhance real-time monitoring of water consumption and optimize allocation strategies. The findings indicate that integrating modern water management tools significantly improves water conservation and irrigation efficiency, ensuring more effective agricultural water use.

Keywords: river basin, water resources, irrigation efficiency, flood management, GIS mapping, water distribution, operational management.

ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В БАССЕЙНАХ ПРЕДГОРНЫХ МАЛЫХ РЕК
Ф.А. Гаппаров¹, М.Ф. Гаффорова²

¹Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

²Научно-исследовательский институт ирригации и водных проблем

Аннотация

Устойчивое управление водными ресурсами в малых речных бассейнах имеет решающее значение для эффективного орошения, предотвращения наводнений и долгосрочной сельскохозяйственной продуктивности. В данном исследовании рассматриваются гидрологические характеристики и эксплуатационная эффективность бассейна реки Говасай, расположенного в северной части Ферганской долины. Проанализирован коэффициент полезного действия оросительных каналов, где эксплуатационная эффективность составляет 65-75%, что требует технического совершенствования систем водораспределения. Была разработана программа управления водными ресурсами на основе ГИС для повышения мониторинга потребления воды в режиме реального времени и оптимизации стратегий распределения. Результаты показывают, что интеграция современных водохозяйственных инструментов значительно повышает водосбережение и эффективность орошения, обеспечивая более эффективное сельскохозяйственное использование воды.

Ключевые слова: бассейн реки, водные ресурсы, эффективность орошения, управление паводками, ГИС-картирование, распределение воды, оперативное управление.

ТОҒОЛДИ КИЧИК ДАРЁЛАР ҲАВЗАЛАРИДАГИ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Ф.А. Гаппаров¹, М.Ф. Гаффорова²

¹Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти.

²Ирригатсия ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Аннотация

Кичик дарё ҳавзаларида сув ресурсларини оқилона бошқариш самарали суфориш, тошқинларнинг олдини олиш ва узоқ муддатли қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги учун жуда муҳимдир. Тадқиқотда Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган Ғовасой дарёси ҳавзасининг гидрологик хусусиятлари ва эксплуатацион самарадорлиги ўрганилган. Суфориш каналларининг фойдалали иш коэффициенти таҳлил қилиниб, улардан фойдаланиш самарадорлиги 65-75% ни ташкил этиши аниқланди, бу эса сув тақсимлаш тизимларини техник жиҳатдан такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Сув истеъмолини реал вақт режимида мониторинг қилиш ва тақсимот стратегияларини оптималлаштириш учун ГАТ асосида сув хўжалиги дастури ишлаб чиқилди. Натижалар шуни кўрсатадики, замонавий сув хўжалиги воситаларини жорий этиш сувни тежаш ва суфориш самарадорлигини сезиларли даражада оширади, қишлоқ хўжалигига сувдан янада самарали фойдаланишни таъминлайди.

Таянч иборалар: дарё ҳавзаси, сув ресурслари, суфориш самарадорлиги, тошқинларни бошқариш, ГАТ хариталаш, сув тақсимоти, оператив бошқарув.

Кириш ва муаммонинг ҳозирги ҳолати таҳлили

Ер юзидағи дарёларнинг аксарият кўпчилиги кичик дарёлардир, улар катта дарёларни тўйиниш манбалари бўлиб хизмат қиласидилар ва катта дарёлар бутун тизимларининг таркибий қисмлари саналадилар. Марказий Осиё минтақаси дарёларида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилар В. Шульц, И. Ильин, Ф.Хикматов, В.Е.Чуб ва бошқа кўплаб олимлар ўз асарларida асосий эътиборни дарёларнинг географик жойлашуви, уларда сув оқими режимлари ва оқизиқлар оқимининг ўзига хосликларига эътибор қаратган бўлса [1,2,3,4,5], кичик дарёларга мос келиши мумкин бўлган таъриф тадқиқотчилар А.Черняев ҳамда Э.Сибукаевлар томонидан берилган, унда кичик дарёлар – узунлиги 26 км дан 100 км гача оралиқда, йиллик ўртacha сув сарфи 2-18 м³/с бўлган, шунингдек ҳавза майдони 100-1000 км² атрофида бўлган сув обьектларини кичик дарёлар дейиш мумкинligини таъкидлаб ўтган [6].

Тадқиқотчилар А. Орлова ва О. Дунин-Барковскаялар ўз тадқиқотларида кичик дарёлар сув ресурслари сифатига таъсир қиласидиган манбаларни ҳар бир кичик дарё бўйича таҳлил қилишиб, мазкур дарёлар сув муҳофазаси зоналарини ташкил қилиш бўйича ўз таклифларини илгари сурғанлар [7], Р. Разаков ва Л. Ярошенколар ўз тадқиқотларини кичик дарёлар сув ресурсларининг сифатини яхшиловчи инженерлик ва биотехник тадбирларини ишлаб чиқиш йўналишида олиб борганлар [8], Х. Исмагилов, А.Янгиев тадқиқотларида кичик дарёлар ҳавзаларида юз берадиган сел-тошқин ҳодисалари батафсил ўрганилган бўлиб, тадқиқотлар натижаси сифатида мазкур ҳавзалардаги аҳоли худудларини ҳимоя қилиш учун зарур тадбирлар ишлаб чиқилган [9,10,11], А. Крутовнинг тадқиқотлари доирасида кичик дарёлар сув ресурсларини ва уларнинг сифатини бошқаришнинг имитацион моделларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган [12], Ш. Раҳимов ва С. Маматовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда кичик дарёлар сув ресурсларини оқилона бошқариш асосида кичик дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган [13,14,15].

Ҳозирги кун амалиётида тоғолди кичик дарёлар ҳавзаларида юзага келаётган сув тақчиллигини ечими сифатида бу худудларга қўйида жойлашган йирик каналлардан сувни насослар ёрдамида кўтариб бериш ғояси доимий равишда илгари сурилмоқда ва бу бир қатор инвестицион лойиҳаларнинг асосий

вазифаси сифатида амалга оширилмоқда [16]. Ваҳоланки, бундай йўл тутиш кичик дарёлар ҳавзалари барқарорлигини таъминламайди, балки ҳудудни пастда жойлашган дарё ҳавзасидаги вазиятга тўлиқ боғлиқ ва қарам қилиб қўяди. Тоғолди кичик дарёлар ҳавзаларида сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан самарали фойдаланишнинг бошқа имкониятлари мавжуд бўлиб, мазкур имкониятлардан фойдаланиш сув ресурсларини юзлаб метр баландликка кўтариш учун сарфланадиган маблағларни тежабгина қолмай, дарё ҳавзаларида барқарор сув таъминотини йўлга қўйиш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш имкониятларини яратади.

Ушбу мақолада илгари сурилаётган илмий тадқиқотнинг асосини кичик дарёлар ҳавзаларида сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишда маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда тубдан такомиллаштириш, сув хўжалиги обьектларини ишлашини оптималлаштириш, тизимларни таҳлил қилиш учун замонавий ёндашувлардан фойдаланиш, сув хўжалиги обьектларини сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун сув тақсимланишида янги математик моделларни ишлаб чиқишни тақоза этади.

Маълумотлар ва усуллар. Тадқиқотлар сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланилиши бўйича Ғовасой дарёси мисолида олиб борилди. Ғовасой дарёси ҳавзаси ҳудудининг асосий сув таъминоти манбаи Ғовасой дарёси саналади ва дарё суви истеъмолчиларга бир қатор суғориш каналлари ёрдамида етказиб берилади.

Ғовасой дарёсидан истеъмолчиларга сув етказиб бериш учун ирригация тизимлари таркибида умумий узунлиги 615 км бўлган хўжаликларо каналлар (булардан 105 км бетон қопламали) ва умумий узунлиги 327,0 км бўлган хўжалик ички каналлар (булардан 177 км бетон қопламали), 117 та гидротехник иншоотлар (гидроузеллар, сув чиқариш иншоотлари, акведуклар, кўприклар, гидропостлар) мавжуд.

Ғовасой гидроузели: Гидроузел “Фарғона” типидаги гидроузел саналади. Ғовасой гидроузели гидротехник иншоотларининг таркиби сув келтирувчи ўзан, тўғон, шчитли (затворли) тўғон, водосливли тўғон, сув олиб кетувчи ўзан, бир камерали тиндиргич, Янги Каркидон, Чап қирғоқ ва Ўнг қирғоқ каналлари сув ростлагич (регулятор) лардан ташкил топган (1-расм).



Гидроузелнинг асосий вазифалари Янги Каркидон, Чап қирғоқ ва Ўнг қирғоқ суғориш каналларига кафолатланган сув етказиб бериш, магистрал каналларга йирик оқизикларни киришини олдини олиш ва тошқин сувларини пастки бъефга ўтказиб юборишдан иборат.

Сув тўсиш иншооти: Ғовасой гидроузелига 500 м масофа етмасдан Ғалаба каналига сув тўсиб чиқарувчи иншоот мавжуд. Сув тўсиш иншоотининг асосий вазифаси Ғалаба каналига ва у орқали Ворзик сув омборига сув етказиб беришдан иборат (2-расм). Каналнинг сув ўтказиш қобилияти $15 \text{ m}^3/\text{s}$ ни ташкил этади.



2-расм. Сув чиқарувчи сув тўсиш иншооти ва Ғалаба каналининг ҳолати

Кўтарма, Шўркент, Қайроғач каналлари ҳам маҳаллий аҳоли ва фермер хўжаликларининг суғориладиган майдонлари учун сув етказиб беради, аммо сув олиш жойларида сув тўсиш иншоотлари ва сув ўлчаш гидропостлари мавжуд эмас.

Тадқиқот доирасида табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар бўйича Ғовасой дарёси ҳавзасидаги мавжуд барча иншоотларнинг хозирги кундаги техник ҳолати баҳоланди. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари Ғовасой дарёси ҳавзасидаги аксарият суғориш каналларининг техник ҳолати қониқарли даражада эмаслигини ва шунга мос равишда суғориш каналларини фойдали иш коэффициентлари ҳам юқори даражада эмаслигини кўрсатди. Каналларнинг фойдаланик ва бунда каналнинг маълум бир қисми танлаб олинди. Танлаб олинган қисмда юқори ва пастки створларнинг жойлари аниқланди, гидропостлар ўрнатилди ва сув сарфлари ўлчанди. Юқори ва пастки створлар орасида сувнинг ўйқолиши қуйидаги формула орқали аниқланди.

$$S = Q_{\text{юқ}} - \sum Q_{\text{ап}} + \sum Q_{\text{таш}} - Q_{\text{паст}} \quad (1)$$

бу ерда; $Q_{\text{юқ}}$ ва $Q_{\text{паст}}$ -юқори ва пастки створларда ўлчанганди сув сарфлари, $\text{м}^3/\text{с}$;

$\sum Q_{\text{ап}}$ - участка орасида барча сув оловчи ариқларнинг сув сарфи йиғиндиси, $\text{м}^3/\text{с}$;

$\sum Q_{\text{таш}}$ - участка орасига ташланган сув сарфларининг йиғиндиси, $\text{м}^3/\text{с}$.

Каналлар фойдали иш коэффициенти қуйидаги формула орқали аниқланди:

$$\text{ФИК} = \frac{Q_{\text{юқ}} - S}{Q_{\text{юқ}}} \quad (2)$$

Олиб борилган натура кузатувлари ва эксплуатация бўлими томонидан ўтказилган ўлчов-кузатув маълумотлари натижалари асосда аниқланган суғориш каналларнинг фойдали иш коэффициентлари 65-75 % ни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал.

Ғовасой дарёсидан сув оловчи асосий суғориш каналларининг фойдали иш коэффициентлари

№	Суғориш каналлари	Фойдали иш коэффициенти, %
1	Кўтарма	65
2	Шўркент	70
3	Варзигон	70
4	Ғалаба	75
5	Янги Каркидон	65
6	Чап қирғоқ	75
7	Мачит	75
8	Қайроғоч	70
9	Ўнг қирғоқ	65


№	Суғориш каналлари	Фойдали иш коэффициенти, %
10	Тегирмон	70
11	Сўғифобо	65

Кичик дарёлар ҳавзаларида бошқа сув манбалари йўқлиги, суғориш каналларида сув оқимининг тезлиги, суғориладиган майдонлари нишаблигининг юқорилиги ва ўзанлар ва суғориладиган майдонларда сув фильтрациясининг кучлилиги билан характерланади.

Хозирги кунда дарёлар ҳавзаларидаги сув ресурсларидан самарали фойдаланишда, ирригацион тизимларда юзага келган бундай муаммоларни таҳлил қилишда, жараёнларнинг жадаллашишини олдини олишда, мавжуд усулларни такомиллаштиришда замонавий географик ахборот тизимлар (ГАТ) технологияларини қўллашга уствор аҳамият берилмоқда [17,18]. Тадқиқот иши мақсадидан келиб чиқган ҳолда Фовасой дарёси ҳавзасининг схемаси ГАТ қўллаган ҳолда чизилди (3,4-расмлар). Бунинг учун **Arc GIS 10** геоахборат тизим технологиясидан ва Фовасой дарёси ҳавзасининг ирригацион тармоқлари схемасини чизиш учун эса Cartosat-1 маълумотларидан фойдаланилди. Фовасой дарёсидан сув оладиган суғориш каналлари сув сарфлари ва уларга боғланган майдонлар 2- жадвалда келтирилган.



3-расм. Фовасой дарёси ҳавзаси жойлашган минтақа



4-расм. Фовасой дарёси ҳавзасининг ирригацион тармоқлари ва ҳавзасидаги сув истеъмолчиларнинг ҳудудий бўлиниши


2-жадвал.

Фовасой дарёсидан сув оладиган суюриш каналлари ва уларга боғланган майдонлар


№	Каналлар номи	Сув олиш қобилияти, м ³ /с	Боғланган майдон, га
1	Кўтарма	0,8	92
2	Шўркент	1,0	109
3	Варзигон	0,3	10
4	Ғалаба	15	900
5	Янги Каркидон	7,0	1510
6	Чап қирғоқ	5,6	2152
7	Мачит	0,3	22
8	Қайрағоч	0,3	35
9	Ўнг қирғоқ	4,0	1750
10	Тегирмон	0,5	265
11	Сўфибобо	3,0	426

Сув балансини ҳисоблашда Visual Basic дастуридан фойдаланилди [19]. Ушбу дастур билан исталган вақтда ҳисоблаш ишларини амалга ошириш, шу билан биргаликда олдинги ҳисоблар дастурда сақланиб қолинади, исталган вақтда уларга мурожаат қилиш ва энг асосийси бир неча йиллар давомида амалга оширилган сув тақсимотини таҳлил қилиш ва таққослаш имкониятлари ҳам мавжуд. Ҳисоблаш натижаларини самарали таҳлили учун жадваллар ва графиклар ёрдамида кўрсатиш имкони мавжуд, бу ўз навбатида сувни тақсимлашда тезкор ва самарали

бошқариш амалларини бажариш имкониятини яратади. Ғовасой дарё ҳавзасида олиб борилган дала тадқиқотлари асосида дарё ҳавзасининг амалдаги чизиқли ва сув баланс схемаси ишлаб чиқилди (5-расм). Натижада олиб борилган тадқиқотлар маълумотлари асосида Ғовасой дарё ҳавзасида сув ресурсларни тезкор бошқаришни таъминловчи дастур яратилди (6-расм) [20].



5-расм. Ғовасой дарё ҳавзасининг чизиқли ва сув баланси схемаси



6-расм. Ғовасой дарё ҳавзасида сув ресурсларни тезкор бошқаришни таъминловчи дастур схемаси

Тадқиқотлардан олинган илмий ва амалий натижалар Наманган вилояти Чуст тумани Ирригация бўлимига фойдаланиш учун қабул қилинди. Ишлаб чиқилган дастурий таъминот сув тақсимотини автоматик равишда ҳисоблашни амалга оширади. Агарда тақсимлашда эҳтиёждан ортиқча сув миқдори мавжуд бўлса уни Ворзик сув омборига йўналтиришни, аксинча сув миқдори эҳтиёждан кам бўлса у ҳақда огоҳлантиради.

Хулоса

Олиб борилган тадқиқот ва фонд маълумотларини таҳлиллари натижаларидан дарё сув оқимини ўртача кўпийиллик миқдорида ўзгаришлар айтарли сезилмасада, йил ичида ўзгариши яъни тебраниши ортиб борётганлигини, дарё сув оқимини серсув даврларида сел тошқинларни фаоллашганлигини кўриш мумкин. Натижада минтақадаги иқлим ўзгаришлари таъсирида Ғовасой дарёси оқимининг миқдори ва шаклланиш муддатлари ҳам ўзгариб бораётганлиги аниқлаштирилди.

Ғовасой дарёси ҳавзасидаги суғориш тизимларининг ҳозирги кундаги техник ҳолатлари ўлчов ва дала кузатувлари орқали аниқланди. Суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффицентини ва сув таъминотини узлуксиз бўлишини таъминлаш учун каналлар ўзанини бетон қопламалар билан мустаҳкамлаш тавсия этилди. Ҳамда ҳар бир сув истеъмолчиси сув олиш қулоқларини сув сарфини ўлчаш қурилмалари ва сув оқимини ростлаш иншоотлари билан тўлиқ жиҳозланиши бўйича таклифлари ҳам берилди.

Ғовасой дарё ҳавзаси ҳудудларида сув етказиб берувчи каналларнинг техник ҳолати баҳоланиб, ГАТ технологиялари ёрдамида дарё ҳавзаси ирригацион тармоқлари схемаси шакллантирилди ва уларга боғланган майдонлар аниқланди. Дарё ҳавзаси сув балансини ташкил этувчилари аниқланди ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлай оладиган моделлар такомиллаштирилиб уларнинг ирригация тизимларидаги моҳияти ГАТ технологиялари ёрдамида кўрсатиб берилди.

Яратилган дастур дарё ҳавзаси сув ресурсларини тезкор бошқарувини амалга ошириш, дарё оқимини ишончли мониторингини ташкил этиш ҳамда сув баланс кўрсатгичлари ҳисобий аниқлигини оширишда амалий ишланма бўлиб хизмат қиласди.

References

1. Akhmedkhodzhaeva I.A., Kodirov S.M., Kafforova M.F. Izmeneniye gidrologicheskogo rezhima predgornykh malykh rek [Changes in the hydrological regime of small foothill rivers]. Journal of Hydraulic Engineering. St. Petersburg, 4 (57) 2019. Pp. 22-26. (in Russian)
2. Chub V.E. Problemy izmeneniya klimata i yego vliyanie na vodnyye resursy Uzbekistana [Problems of climate change and its impact on water resources of Uzbekistan] / Materials of the Republican scientific-practical conference. Tashkent: GIDROINGEO, 2008. Pp. 4-6. (in Russian)
3. Hikmatov F.X., Yunusov G'.X. Orol khavzasini suv resurslari sarflanishining analitik modeli va uni miqdoriy bakholash muammolari khakida [On the analytical model of water consumption in the Aral Sea basin and the problems of its quantitative assessment] // National University of Uzbekistan, scientific journal, Tashkent, 2000. №2. Pp. 23-27. (in Uzbek)
4. Shultz V.L. Reki Sredney Azii [Rivers of Central Asia]. L.: Gidrometeoizdat, 1965. 692 p. (in Russian)
5. Khodjiev A.K., G'affarova M.F. "Kishlok va suv khuzhaligining zamonaviy muammolari" ["Modern problems of agriculture and water management."] "Podshaotasoy River Flow Assessment" collection of articles from the traditional XVII scientific-practical conference of young scientists, masters and gifted students on TIIAME. Tashkent. 2018. Pp. 49-51. (in Uzbek)
6. Sibukaev E. Osobennosti formirovaniya i preobrazovaniya stoka malykh gornykh rek Uzbekistana [Features of the formation and transformation of the flow of small mountain rivers in Uzbekistan] (on the example of the Kashkadarya basin): dis. Cand. technical sciences. Tashkent: IVP, 1996. 9 p. (in Russian)
7. Orlova A.P. Provesti kompleksnyye issledovaniya i razrabitat' rekomendatsii po ratsional'nomu ispol'zovaniyu i okhrane malykh rek v osnovnykh ekonomicheskikh

- regionakh strany [Conduct comprehensive research and develop recommendations for the rational use and protection of small rivers in the main economic regions of the country]. NTA, Archive NIIIVP, 1983.82 p. (in Russian)
8. Razakov R.M., Yaroshenko L.V. Razrabitat' kompleks inzhenernykh i biotekhnicheskikh meropriyatiy po uluchsheniyu kachestva malykh rek [To develop a complex of engineering and biotechnical measures to improve the quality of small rivers]. NTO, Archive NIIIVP, 1987.115 p. (in Russian)
9. Ismagilov X.I., Mamatov S.A., Gapparov F.A., Ibragimov F.I. Togoldi khududlardagi kanallarda shagal-toshlar okishini yuzaga keltiruvchi sabablar [Causes of gravel runoff in canals in mountainous areas]. "Issues of land reclamation, improving the environment and improving the rational use of water resources": Proceedings of the national scientific-practical conference. Tashkent, 2012. Pp 105-108. (in Uzbek)
10. Gapparov FA, Narziev Zh. Tog va togoldi khududlarida sel okimini shakllanish monitoringi [Monitoring of mudflow formation in mountainous and foothill areas]. Agro ilm magazines. Tashkent, 2020. №3 (65) Pp. 54-55. (in Russian)
11. Yangiev A., Gapparov F., Adjumuratov D., Panjiev S. Safety and risk categories of water reservoir hydrosystems IOP Conference Series: Materials Science and Engineering 1030(1), 012111.
12. Krutov A. Razrabitat' immitatsionnuyu model' stoka reki i yego kachestva dlya usloviy basseynov malykh rek respubliki [Develop an imitation model of the river flow and its quality for the conditions of the basins of small rivers of the republic]. NTO, Archive NIIIVP, 1992. 94 p. (in Russian)
13. Rakhimov Sh.Kh. Razrabitka rekomendatsiy po ratsional'nomu upravleniyu transgranich-nymi vodnymi resursami i sostavleniye prognozov izmeneniya stoka v zavisimosti ot vodnosti let [Development of recommendations for the rational management of transboundary water resources and making forecasts of runoff changes depending on water availability in years]. NTO, Archive NIIIVP, 2009.74 p. (in Russian)
14. Mamatov SA, Ibragimov FI, Akbarova KH Kichik daryo khavzasida suv bilan ta'minlan-ganlikni oshirish [Increasing water supply in the small river basin]. "Issues of land reclamation, improvement of the environment and improvement of rational use of water resources": Proceedings of the Republican scientific-practical conference. Tashkent, 2012. Pp. 48-51. (in Russian)
15. By Mamatov S. (FAO progress report on GCP/UZB/002/TUR: "Promotion of water saving technologies in the Uzbek water scarce area of the transboundary Podshaota river basin") Tashkent, 2013.
16. Makhmudov I.E. Povysheniye effektivnosti upravleniya i ispol'zovaniya vodnykh resursov v sredнем techenii basseyna r. Syrdar'ya. [Improving the efficiency of management and use of water resources in the middle reaches of the Syrdarya river basin]. Republic of Uzbekistan, 1-2 may 2015. Tashkent, scientific conference. (in Russian)
17. Vlatsy V.V. Modelirovaniye rechnogo stoka s ispol'zovaniyem GIS tekhnologiy [River runoff modeling using GIS technologies]. OSU Bulletin No. 9 (115), 2010.- Pp. 104-109. (in Russian)
18. Akmalov Sh.B., Blanpain O., Masson E. (2017). Study of ecological changes in Syrdarya province by using the Remote Sensing GEOBIA analysis method. Irrigatsiyavamelioratsiyajurnalni, Vol N02 (8). TIQXMMI. Tashkent. Pp-15-19.
19. Vasiliev O.F. Matematicheskoye modelirovaniye gidravlicheskih i hidrologicheskikh protsessov v vodoyemakh i vodotokakh: [Mathematical modeling of hydraulic and hydrological processes in reservoirs and watercourses:] (a review of the work carried out in the Siberian Branch of the Russian Academy of Sciences) // Water Resources. 1999. T. 26. No. 5. Pp. 600-611. (in Russian)

20. Gapparov F.A., Narziev J., Gaffarova M. Daryo khavzasi suv rusurslarini boshkharish va ulardan foydalanishning takomillashtirishni ta'minlovchi dasturiy ta'minot [Guidelines for improving the management and use of water resources of the river basin]. Intellectual Property Agency of the Republic of Uzbekistan. DGU 06668, Tashkent, 2019. (in Uzbek)

Bog'lanish uchun

1. Gapparov Furkat Akhmatovich Doctor of technical sciences, Head of the department of hydrology and hydrogeology TIIAME +998971552563, ga.furkat@mail.ru
2. Gapparova Mushtariy Furkatovna , Doctoral student, doctoral student of the department of SRIIWR , +99897 7076762, mushtariybonu1995@mail.ru

HYDRAULIC CALCULATION OF A RESOURCE-SAVING JET WATER LIFT

D.Abduraimova, M.Atkhanov, S.Melikuziyev, D. Bakhromova

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers.

Abstract

Efficient water management in agricultural and industrial sectors increasingly relies on innovative, energy-saving technologies. The study explores the hydraulic and economic aspects of resource-saving jet water lifts, providing a comprehensive analysis of their operational parameters. Through a combination of theoretical modeling and experimental verification, the performance of the jet water lift is optimized to enhance efficiency while minimizing energy losses. The experimental setup simulates real-world conditions, where water is lifted from a depth of 1 meter to a height of 2 meters, demonstrating a working head of $H_p = 1$ m and a flow rate of $Q = 29.52 \times 10^{-5} \text{ m}^3/\text{s}$. Key findings emphasize the role of nozzle design and mixing chamber adjustments in reducing frictional losses and improving hydraulic performance. The obtained results lay the groundwork for further innovations in irrigation and water-lifting systems, ensuring sustainable agricultural practices and efficient resource utilization.

Keywords: jet water lift, resource-saving, nozzle, diffuser, hydraulic efficiency, experimental study, flow optimization.

РЕСУРСТЕЖАМКОР СТРУЯЛИ СУВ КЎТАРГИЧНИНГ ГИДРАВЛИК ҲИСОБИ.

Д.Абдураимова, М.Атаканов, С.Меликузиеев, Д. Бахромова

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти.

Аннотация

Қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида сув ресурсларини самарали бошқариш инновацион, энергия тежайдиган технологияларга тобора кўпроқ таянмоқда. Тадқиқотда ресурс тежамкор оқимли сув кўтаргичларнинг гидравлик ва иқтисодий жиҳатлари ўрганилиб, уларнинг эксплуатацион параметрлари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Назарий моделлаштириш ва экспериментал текшириш комбинацияси орқали оқимли сув кўтаргичнинг ишлиши энергия йўқотишларини камайтирган ҳолда самарадорликни ошириш учун оптималлаштирилади. Тажриба қурилмасида сувни 1 м чўқурлиқдан 2 м баландликка кўтариб, ишчи напор $\bar{H}_p=1$ м ва сув сарфи $\bar{Q}=29.52\cdot10^{-5} \text{ м}^3/\text{s}$ бўлган реал шароитга ўхшатилади. Асосий натижалар ишқаланиш йўқотишларини камайтириш ва гидравлик кўрсаткичларни яхшилашда сопло конструкцияси ва аралаштириш камерасини созлашнинг аҳамиятини таъкидлайди. Олинган натижалар суғориш ва сув кўтариш тизимларида кейинги инновацияларни жорий этиш, барқарор қишлоқ хўжалиги амалиётини таъминлаш ва ресурслардан самарали фойдаланишга замин яратади.

Таянч сўзлар: оқимли сув кўтаргич, ресурс тежамкор, сопло, диффузор, гидравлик ФИК, экспериментал тадқиқот, оқимни оптималлаштириш.

ГИДРАВЛИЧЕСКИЙ РАСЧЕТ РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩЕГО СТРУЙНОГО ВОДОПОДЪЕМНИКА.

Д.Абдураимова, М.Атаканов, С.Меликузиев, Д. Бахромова

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Аннотация

Эффективное управление водными ресурсами в сельском хозяйстве и промышленности все больше зависит от инновационных, энергосберегающих технологий. В исследовании рассматриваются гидравлические и экономические аспекты ресурсосберегающих струйных водоподъемников, предоставляя комплексный анализ их эксплуатационных параметров. Благодаря сочетанию теоретического моделирования и экспериментальной проверки, производительность струйного водоподъемника оптимизируется для повышения эффективности и минимизации потерь энергии. Экспериментальная установка моделирует реальные условия, когда вода поднимается с глубины 1 метр до высоты 2 метра, демонстрируя рабочую нагрузку $H_p = 1$ м и расход $Q = 29,52 \times 10^{-5}$ м³/с. Основные выводы подчеркивают роль конструкции сопла и регулировки смесительных камер в снижении потерь на трение и улучшении гидравлических характеристик. Полученные результаты закладывают основу для дальнейших инноваций в ирригационных и водоподъемных системах, обеспечивая устойчивые методы ведения сельского хозяйства и эффективное использование ресурсов.


Ключевые слова: элеватор, ресурсосбережение, сопло, диффузор, эффективная гидравлика, экспериментальные студии, оптимизация потока.

Кириш

Республикамизда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида ерларни суғоришда ресурстежамкор сув узатиш ва кўтариш қурилмаларидан самарали фойдаланиш, фермер хўжаликларининг суғориладиган майдонларига сувни узатиб беришда техника ва технологияларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сув хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига инновация усуулларни, аввало, сув ва ресурс тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техника ва технологиялардан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирни ҳисобланади [1]. Мазкур йўналишда қатор ишланмалар мавжуд бўлиб, сув узатиш ва кўтариш қурилмаларининг назарий асосларини ишлаб чиқишида ҳамда иш режимини такомилаштиришда асосий масала сув кўтаргичларнинг фойдали иш коэффициентини оширишдан иборатdir [2,3]. Юқоридагилардан келиб чиқиб мазкур мақолада струяли сув кўтаргичнинг ресурстежамкор конструктив параметрларини ҳисоблаш услублари келтирилган. Мавжуд ҳисоблаш усуулларида струяли сув кўтаргичларнинг параметрларини асослашда оқим ҳаракати қонуниятларига асосланиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган [4]. Бу масаладаги асосий муаммо, кам энергия сарфлаб кўпроқ сув кўтаришга қаратилган.

Кўриб чиқилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили ва манбааларга ҳаволалар. Струяли сув кўтаргич конструктив параметрларини асослашда оқимнинг сув кўтаргич камераларида гидравлик жараёнларни баҳолаш лозим (1-расм).

Бу турдаги сув кўтаргичларда гидравлик қаршиликлар ҳисобига энергия йўқолишлари кўп бўлади [5,6], натижада сув кўтаришнинг фойдали иш коэффициенти паст бўлади [7].



1-расм. Струяли сув кўтаргич қурилмасининг схемаси

1-иши суюқлик қуевури; 2-актив найча (сопло); 3-сув келтирувчи қувур; 4-ўтиш қисми; 5-оқимларнинг аралашиш камераси; 6- диффузор; 7-гайка; 8-уланиш қисми.

Келтирилган струяли сув кўтаргичнинг схемаси учун ишчи напор – сув кўтаргич мосламани ишга туширувчи манба, ишчи камеранинг кириш (1-1) ва чиқиш (2-2) қисмидаги напорлар фарқи асосида аниқланди [8,9]:

$$H_p = \frac{p_1}{\gamma} + \frac{v_1^2}{2g} - \frac{p_2}{\gamma} - \frac{v_2^2}{2g}, \quad (1)$$

бунда: $\frac{p_1}{\gamma}$, $\frac{p_2}{\gamma}$ - мос равища 1-1 ва 2-2 кесимлардаги пъезометрик баландликлар;

$\frac{v_1^2}{2g}$, $\frac{v_2^2}{2g}$ - мос равища 1-1 ва 2-2 кесимлардаги тезлик напорлари;

Струяли сув кўтаргич мосламасида ҳосил қилинадиган напор, ишчи напор дейилади ва у қуйидагича аниқланади:

$$H_p = \frac{p_1}{\gamma} + \frac{v_1^2}{2g} - \frac{p_2}{\gamma} - \frac{v_2^2}{2g}, \quad (1a)$$

Струяли сув кутаргичда жараённи юзага келтирувчи сув сарфи- ишчи сув сарфи дейилади ва келтирилган схема асосида қуйидагича аниқланади:

$$Q_1 = \vartheta_1 \cdot \omega_1 = \vartheta_1 \cdot \frac{\pi}{4} \cdot d^2, \quad (2)$$

бу ерда: ϑ_1 – струяли сув кутаргич найчадан чиқаётган оқим тезлиги, d - найчанинг чиқиш қисмининг диаметри.

Струяли сув кутаргичда узатилаётган сув сарфи қуйидагича аниқланади:

$$Q_3 = \vartheta_3 \cdot \omega_3 = \vartheta_3 \cdot \frac{\pi(d_0^2 - d^2)}{2}, \quad (2a)$$

бу ерда: ϑ_3 - диффузорнинг чиқиш қисмидаги оқим тезлиги, d_0 - оқимларнинг аралашиш камерасининг диаметри.

Напор йўқолишлари оқимларнинг қўшилиш жараёнларида, сув кўтаргич ишчи қисмининг деворларида ишқаланиш ҳисобига ҳамда оқим кинетик энергиясини камайтириш натижасида (диффузорда) юзага келади [10,11].

Струяли сув кутаргич ишини лабораторияда текшириш учун қурилманинг модели ишлаб чиқилган. Моделлаштириш талаблари асосида жараённи ўрганишда асосий параметрларни ўлчов бирликласиз шаклида ёзилади [12,13]. Юқорида келтирилган

(1-4) тенгламалар системасини биргаликда ечиб таҳлил учун қулай бўлган ифодалари олинади.

Нисбий напор:

$$H = \frac{H_K}{H_K + H_P} \quad (3)$$

Нисбий сарф (инжекция коэффициенти):

$$H = \frac{Q_3}{Q_1} \quad (4)$$

Юқорида келтирилган параметрларнинг оптимал қийматларини аниқлашда лаборатория шароитида изланишлар олиб боришни тақозо этди [14,15]. Назарий изланишлар асосида струяли сув кутаргични иш режимини баҳолаш учун оқимнинг бошланғич параметрлари аниқланади. Струяли сув кутаргич ёрдамида $H_1 = 1.0$ м чуқурлиқдан, сувни $H_2 = 2.0$ м баландликка узатиш лозим бўлган бошланғич напорни ва ишчи оқим сарфини аниқлаш лозим. Лаборатория шароитида ўтказилган тадқиқотларда струяли сув кутаргичнинг сув узатиш имкониятлари ўрганилди.

Лаборатория тадқиқоти учун струяли сув кутаргичнинг параметрлари: ишчи қувур найчанинг диаметри $d_0 = 6$ мм, аралаштириш камерасининг диаметри $d_1 = 20$ мм, диффузор диаметри $d_2 = 40$ мм қабул қилинди.


Масаланинг қўйилиши. Тадқикодда струяли аппарат оркали узатилаётган оқим сарфи ва қувурнинг сарф коэффициентини айрим критериал параметрларга боғлиқ ҳолда ўрганилади. Струяли аппарат сурувчи қувуридан келаётган оқим сарфи, тизимнинг гидравлик элементларини аниқдашда энг муҳим параметрлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам олиб борилган тадқиқотлар қувурда ҳаракатланаётган оқимнинг гидравлик хисобини ўрганишга каратилган.

Натижалар тахлили ва мисоллар

Назарий тадқиқотларда аралашиш камерасидаги гидравлик жараёнларни баҳолаш учун оқимнинг энергетик ҳолатини ифодаловчи тенгламадан фойдаланамиз, Қўйилган масаланинг шартлари асосида қўйидагича ҳисоблаш схемасини қабул қиласиз (2-расм). У ҳолда 1-1 ва 2-2 кесимлар учун Д.Бернулли тенгламасини қўйидагича ёзилади:

$$\frac{H_1}{\gamma} + \frac{g_1^2}{2g} = H_2 + \frac{(g_1 - g_2)^2}{2g} + \xi_g \frac{(g_2 - g_3)^2}{2g} + \xi_2 \frac{g_3^2}{2g} \quad (5)$$

бу ерда: g_1 -струяли сув кутаргич найчасидан чиқаётган оқим тезлиги; g_2 - аралаштириш камерасидаги оқим тезлиги; g_3 диффузорнинг чиқиш қисмидаги оқим тезлиги; ξ_g - диффузорнинг қаршилик коэффициенти; ξ_2 - чиқишдаги қаршилик коэффициенти.



2-расм. Струяли сув күтаргичнинг ҳисоблаш схемаси

Бошланғич ҳолатда кесимдаги босим $P_1 = \gamma H_1$ га тенглигидан ва узилмаслик тенгламасидан $\omega_1 g_1 = \omega_2 g_2 = \omega_3 g_3$ фойдаланиб, (2) ифода қуидагича ёзилади [16,17]:

$$-H_1 + \frac{g_1^2}{2g} = H_2 + \frac{\left(g_1 - \frac{\omega_1}{\omega_2} g_1\right)^2}{2g} + \xi_g \frac{\left(\frac{\omega_1}{\omega_2} g_1 - \frac{\omega_1}{\omega_3} g_1\right)^2}{2g} + \xi_2 \frac{\left(\frac{\omega_1}{\omega_3}\right)^2 g_1^2}{2g} \quad (6)$$

Келтирилган ифодага сув кутаргич параметрларини қуишиб:

$$\frac{g_1^2}{2g} = H_1 + H_2 + \frac{\left(1 - \frac{d_0^2}{d_1^2}\right)^2 g_1^2}{2g} + \xi_g \frac{\left(\frac{d_0^2}{d_1^2} - \frac{d_0^2}{d_2^2}\right)^2 g_1^2}{2g} + \xi_2 \frac{\left(\frac{d_0^2}{d_2^2}\right)^2 g_1^2}{2g} \quad (7)$$

Найчадан чиқаётган оқим тезлиги учун қуидаги ифода ёзилади:

$$g_1 = \sqrt{\frac{2g(H_1 + H_2)}{1 - \left(1 - \frac{d_0^2}{d_1^2}\right)^2 + \xi_g \left(\frac{d_0^2}{d_1^2} - \frac{d_0^2}{d_2^2}\right)^2 + \xi_2 \left(\frac{d_0^2}{d_2^2}\right)^2}} \quad (8)$$

Лаборатория шароитдаги струяли сув кутаргич қурилмаси учун, (5) ифодадан фойдаланиб найчадан чиқаётган сув сарфи аниқланади:

$$Q = \omega_1 g_1 = 29.52 \cdot 10^{-5} \text{ м}^3/\text{с} \quad (9)$$

бу ерда: ϑ_1 – струяли сув кутаргич найчасидан чиқаётган оқим тезлиги, ω_1 – струяли сув кутаргич найча юзаси.

Қуйилган параметрлар асосида струяли сув кутаргични ишга тушириш учун лозим бўладиган ишчи напорни аниқланади. У холда струяли сув кутаргич ишчи оқими қувуридаги босим аниқланади:

бунинг учун 0-0 ва 1-1 кесимлар учун Бернулли тенгламаси ёзилади:

$$Z_0 + \frac{P_0}{\gamma} + \frac{\alpha_0 g_0^2}{2g} = Z_1 + \frac{P_1}{\gamma} + \frac{\alpha_1 g_1^2}{2g} + h_{0-1} \quad (9a)$$

бу ерда: ϑ_0 -ишчи оқимнинг қувурдаги төзлиги; h_{0-1} -0 ва 1-1 кесимлар орасида йуқолган напор;

Қаралаётган қурилмада 0-0 ва 1-1 кесимлар орасидаги масофа кичиклигини инобатта олиб h_{0-1} ни қуийдагича аниқланади:

$$h_{0-1} = \xi_c \frac{\vartheta_1^2}{2g} \quad (10)$$

бу ерда: ξ_c -найчанинг қаршилик коэффициенти;

Ҳаракат режимини турбулент деб қараб, $\alpha_0 \approx \alpha_1 \approx 1$ га тенг деб олинади [18,19,20].

Натижада струяли сув кутаргич орқали сув узатишни бошлаши учун минимал ишчи напор аниқланади:

$$\frac{P_0}{\gamma} = -H_1 - \frac{\alpha_0 \vartheta_0^2}{2g} + \frac{\alpha_1 \vartheta_1^2}{2g} + h_{0-1} = -1 - \frac{\alpha_0 \vartheta_0^2}{2g} + \frac{\alpha_1 \vartheta_1^2}{2g} + h_{0-1} \quad (11)$$

Назарий изланишларда аниқланган параметрлар асосида лаборатория шароитида струяли сув күттаргичнинг иш режимини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди

(1-жадвал). Ушбу тадқиқотларда узатилаётган сув сарфини ишчи напорга боғлиқлиги графиги қурилди (3-расм).


1-жадвал

Лаборатория тадқиқотлари жадвали.

№	H_p , см	Q_p , см ³ /с	H_1 , см	Q_1 , см ³ /с	Q_0 , см ³ /с	ΔH ,	q
1	150	386	70	51	437	0,467	0,132
2	200	397	70	103	500	0,35	0,259
3	250	443	70	140	583	0,28	0,316
4	300	470	70	158	628	0,233	0,336
5	350	507	70	193	700	0,2	0,381
6	400	617	70	258	875	0,175	0,418
7	500	700	70	294	994	0,14	0,42
8	550	809	70	357	1166	0,127	0,441
9	650	890	70	470	1360	0,108	0,528

Изоҳ: ΔH -нисбий напор, q- Нисбий сарф (инжекция коэффициенти), H_p -ишчи напор,

H_1 -сув қутариш баландлиги, Q_p -кирувчи сарф, Q_1 -қўшимча сарф, Q_0 -умумий сарф



3-расм. Сув сарфинининг ишчи напорга боғлиқлиги графиги

Назарий изланишлар ва лабораторияда олинган маълумотларни математик, статистик усуллари асосида таҳлил этиб струяли сув кўттаргичнинг сарфи ва напори орасидаги боғланиш олинади.

Хулоса

Мақолада струяли сув кўттаргичларнинг халқ хўжалигига кўлланилиши бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг аналитик таҳлили асосида ресурс тежамкор мосламаларни ишлаб чиқишида оқим ҳаракати қонуниятига асосланган ҳолда, такомиллаштириш усули кўрилган. Струяли сув кўттаргичнинг гидравлик параметрлари назарий асосланиб, олинган боғланишлар тажрибада синаб кўрилган. Олиб борилган тажрибалар асосида, струяли сув кўттаргични тежамкор параметрлари аниқланди.

Назарий тадқиқотлар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, лаборатория шароитидаги струяли сув кутаргич қурилмаси 1 м чуқурликдаги қудукдан сув олиб 2 м баландликка узатиш учун ишчи напори $H_i=1\text{m}$ ишчи оқим сарфи $Q=29.52 \cdot 10^{-5} \text{ m}^3/\text{s}$, бўлиши лозим. Лаборатория шароитида урнатилган тадқиқотларда струяли сув кутаргич ҳар хил напорларда сув узатиш миқдори аниқланди. Назарий изланишлар ва тажриба маълумотларига таяниб, струяли сув кўттаргичнинг сарф характеристикаси қурилган.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида аралаш камераси узунлиги ва қувур диаметри орасидаги боғланиш аниқланди. Ҳисобий ва назарий сарфларнинг қийматлари солиштириб, струяли сув кўттаргичнинг оптималь ўлчамлари тавсия этилди.

References

- Latipov K.Sh., Arifjanov A.M. Voprosi dvizheniya vzvesesushchego potoka v otkrytykh ruslakh [Issues of the movement of a weighted stream in open channels]. Mehnat. Tashkent. 1994. 110 p. (in Russian)
- Latipov. K.Sh., Muxitdinova M.I., Ilxamov X.Sh. Issledovanie vyazkosti smesey pri dvizhenii dvukhfaznoy sredy v krugloy trube [Issuance of smeseypri dvijenii dvuxfaznoy sredy in the pipe]. Voprosy vychislitelnoy va prikladnoy matematiki. Sbornik nauchnyx trudov. Kibernetika. vypusk 87. -Tashkent, 1989. Pp.115-121. (in Russian)
- Muxammadiev M.M., Urishev B.U., Nosirov F.J. Uluchshenie vsyasyvayushchey sposobnosti nasosnykh agregatov pri silnom zailenii avankamery [Ultrasound version of spasobnosti nasosny aggregates on avocamery]. Vestnik TashGTU. Tashkent 2008. Pp 85-88.(in Russian)
- Arifjanov A.M., Abduraimova D.A., Raximov Q.T., Puti ispolzovaniya gidravlik energiyasi vodoemov [Ways to use the hydraulic energy of water bodies]. "Problemi povysheniya effektivnosti ispolzovaniya elektr energiyasi va otraslyax

- "agroryomshlennogo kompleksasi" Mejdunarodnaya nauchno-praktikcheskaya konferentsiya. 25-26 may. Tashkent 2015. Pp. 234-237. (in Russian)
5. Arifjanov A.M., Ilxomov X., Nizamutdinov D., Raximov K. K otsenke transport rechnykh nanosov v truboprovodakh [To the assessment of river sediment transport in pipelines.]. SANIIRI. Tashkent. 2005. Pp 130-133. (in Russian)
 6. Arifzhanov A.M., Fathullaev A.M., Rakhimov K.T. Raspredelenie skorostey pri ravnomernom dvizhenii vzvesenesushchego potoka [Speed distribution with uniform movement of the weighed stream]. Journal of Problems of Mechanics. Tashkent 2005. Pp 25-29.(in Russian)
 7. Arifjanov AM, Fathullaev AM, Rakhimov KT, Nizamutdinov D. Suv khavzalarini tozalash uchun okimli inzhector [Flow Injector for Watershed Treatment]. Patent N0 FAP 00490, Tashkent 2009. (in Russian)
 8. Arifdjanov A.M., Rahimov Q.T. Abduraimova D. Hydrotransport of exceptional flow in pipelines with various pulls. European Science Review. Austria, Vienna, 2017. Pp.124-126.
 9. Latipov K.Sh. K opredeleniyu koeffitsiyenta gidravlicheskogo treniya [To the determination of the coefficient of hydraulic friction]. Dokl. Academy of Sciences of the Uzbek SSR. 1982. No 8. Pp 16-18. (in Russian)
 - 10.Rakhimov Q.T. Abduraimova D.A., Determination of water discharge of a jet device taking into account mutflow flow. Journal of "Irrigatsiya va melioratsiya", Tashkent, № 1(19) 2020, Pp. 41-44. (in Uzbek)
 - 11.Muhammadiev M.M., Khokhlov V.A. Novye razrabotki struynogo nasosa dlya gidroenergetiki [New developments of the jet pump for hydropower]. In sb. "Scientific problems of renewable energy". Samara 2000. Pp. 81-83.(in Russian)
 - 12.K. Rakhimov, Khamraev S., R. Rasulov Turbulentnoye techeniya potoka [Turbulent flow stream]. Agro Ilm Tashkent, 2010 P.41-45. (in Russian)
 - 13.Rakhimov K.T. Kinematicheskie kharakteristiki dvukhfaznogo techeniya v truboprovode [Kinematic characteristics of the two-phase flow in the pipeline]. Republican scientific-practical conference "Development of water management and land reclamation of the Republic of Uzbekistan during the transition to a market economy", SANIIRI, Tashkent, 2006, Pp. 129-131. (in Russian)
 - 14.Rakhimov K.T. Opredelenie propusknoy sposobnosti struynogo apparati [Determination of the capacity of the inkjet apparatus]. TAKI "Architecture. Kurilish. Design" magazines, 2 naps. Tashkent, 2012. Pp.52-54. (in Russian)
 - 15.Zuykov A.L., Pressure and open flows. Hydraulics of constructions. MIISI-MGSU. Moscow. 2015. 425 p.
 - 16.Karasik V.M., Asaulenko I.A. Naporniy hidrotransport peschanikh materialov [Pressure hydrotransport of sand materials]. Kiev: Science. Dumka, 1965.107 p.(in Russian)
 - 17.Karaushev A.V. Teoriya i metody rascheta rechnykh nanosov [Theory and methods for calculating river sediment]. Leningrad: Gidrometeoizdat, 1977. 272 p. (in Russian)
 - 18.Liu C, Tan S, Zhang X, Yang Y, Xu Y. Deposition regularity in a rainwater pipeline based on variable transport flux. Journal of environmental management. 2018 Oct 15;224: Pp 29-36.
 - 19.Yang J, Low YM, Lee CH, Chiew YM. Numerical simulation of scour around a submarine pipeline using computational fluid dynamics and discrete element method. Applied Mathematical Modelling. 2018 Mart 1;55: Pp 400-416.
 - 20.Li MZ, He YP, Liu YD, Huang C. Pressure drop model of high- concentration graded particle transport in pipelines. Ocean Engineering. 2018 Sep 1;163: Pp 630-640

Bog'lanish uchun

1. Abduraimova Dilbar Aybekovna – PhD., acting associate professor
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, 100000
- Tashkent, Mirzo Ulugbek district, 39, Qari Niyaziy street, phone: 93-576-05-56
e-mail: d.abduraimova@tiiame.uz
2. Otaxonov Maxsud Yusupovich – PhD. acting associate professor
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, 100000
- Tashkent, Mirzo Ulugbek district, 39, Qari Niyaziy street, phone: 97-277-13-03
e-mail: sarkor.93@mail.ru
3. Melikuziev Sarvarbek Mahmud uglu – doctoral student
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, 100000
- Tashkent, Mirzo Ulugbek district, 39, Qari Niyaziy street, phone: 90-944-65-75
e-mail: s.melikuziyev@tiiame.uz
4. Dilbar Baxromova – master
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, 100000
- Tashkent, Mirzo Ulugbek district, 39, Qari Niyaziy street, phone: 90-994-86-32
e-mail: ikramova.07@mail.ru

MODEL OF GROUNDWATER LEVEL CONTROL USING HORIZONTAL DRAINAGE

Arifjanov¹, M.Otaxonov¹, Z.Abdulkhaev²

¹Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers.

²Fergana Polytechnic Institute

Abstract

The article describes the main factors affecting the rise in the level of groundwater in the city of Fergana and ways to eliminate them. Currently, in order to reduce the negative impact of rising groundwater levels on the environment, crops, buildings and structures, as well as underground utilities, it is proposed to design horizontal drainage in urban areas and a mathematical model has been developed for changing the groundwater level. For this, long-term data from observation wells were analyzed and the hydraulic parameters of horizontal drainage were selected taking into account the hydrogeology of the area. Taking into account the terrain and characteristics of the soil layers, the possibility of diverting the collected water outside the city through the "Margilan Say" passing through the city center has been developed. This equation is solved by a numerical calculation method, and the results are presented in the form of a 3D graphic mode, where the change in the groundwater level is presented in different colors. Based on numerical solutions and analysis of data from observation wells, it is shown that the groundwater level can be lowered due to horizontal drainage. The adequacy of the results was assessed by comparing data collected in natural field conditions.

Key words: horizontal drainage, groundwater, filtration coefficient, groundwater level, infiltration, conductivity, mathematical model, physical model.

МОДЕЛЬ УПРАВЛЕНИЯ УРОВНЯ ГРУНТОВЫХ ВОД С ПОМОЩЬЮ ГОРИЗОНТАЛЬНОГО ДРЕНАЖА

А. Арифджанов¹, М.Отаконов¹, З.Абдулхаев²

¹Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

²Ферганский политехнический институт

Аннотация

В статье описаны основные факторы, влияющие на повышение уровня грунтовых вод в городе Фергана и способы их устранения. В настоящее время для снижения негативного воздействия повышения уровня грунтовых вод на окружающую среду, посевные поля, здания и сооружения, подземные инженерные коммуникации необходимо проектировать горизонтальный дренаж на городской территории и разработана математическая модель изменения уровня грунтовых вод. Для этого проанализированы многолетние данные по наблюдательным скважинам и выбраны гидравлические параметры горизонтального дренажа с учетом гидрогеологии местности и характеристик почвенных слоев. Разработаны рекомендации по отводу грунтовых воды за пределы города через «Маргилан сай», проходящую через центр города. Приведенное уравнение решается численным методом расчета, а результаты представлены в виде 3D графическом режиме, где изменение уровня грунтовых вод представлено разными цветами. На основе численных решений и анализа данных наблюдательных скважин показано, снижение уровня грунтовых вод с помощью горизонтального дренажа. Адекватность результатов оценивалась путем сравнения данных, собранных в естественных полевых условиях.

Ключевые слова: горизонтальный дренаж, грунтовые воды, коэффициент фильтрации, уровень грунтовых вод, инфильтрация, проводимость, математическая модель, физическая модель.

ЕР ОСТИ СУВЛАРИ САТҲИНИ ГОРИЗОНТАЛ ДРЕНАЖ ОРҚАЛИ БОШҚАРИШ МОДЕЛИ

А.Арифжанов¹, М.Отахонов¹, З.Абдулхаев²

¹Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти.

²Фарғона политехника институти

Аннотация

Мақолада Фарғона шаҳар ер ости сувлари сатҳининг кўтарилишига таъсир этувчи асосий омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган. Ҳозирги кунда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши атроф-муҳит экологияси, экин майдонлари, бино ва иншоатлар ҳамда ер ости мұхандислик коммуникацияларига салбий таъсирни камайтириш мақсадида шаҳар ҳудудига горизонтал дренажларни лойиҳалаш таклиф қилинган ва ер ости сувлари сатҳини ўзгаришининг математик модели ишлаб чиқилган. Бунинг учун кузатув қудуқларидан олинган кўп йиллик маълумотлар таҳлил қилинган ва ҳудуднинг гидрогеологиясидан фойдаланиб горизонтал дренажнинг гидравлик параметрлари танланган. Ернинг рельефи ва тупроқ қатламларининг хусусиятларини инобатга олиб ер ости сувларни шаҳар марказидан ўтuvчи “Марғилон Сой” орқали шаҳардан ташқарига чиқаришнинг имкониятлари ишлаб чиқилган. Келтирилган тенглама сонли ҳисоблаш усулида ечилган бўлиб, натижалар намойиши ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши ҳар хил ранглар орқали тасвирланган 3D график ҳолатида берилган. Сонли ечимлар ва кузатув қудуқлардан олинган маълумотлар таҳлили асосида горизонтал дренаж орқали ер ости сувлари сатҳини пасайиши кўрсатилган. Натижалар адекватлиги табиий дала шароитида тўпланган маълумотлар билан солиштириб баҳоланган.

Таянч сўзлар: горизонтал дренаж, ер ости сувлари, фильтрация коэффициенти, ер ости сувлари сатҳи, инфильтрация, ўтказувчаник коэффициенти, математик модели, физик модел.

Кириш

Қурилишнинг жадал ривожланиши ер ости сувларининг мұхандислик геологик ва экологик муаммоларини янада жиддийлаштирум оқида. Кўпгина ҳолларда, масалан, пойдевор чуқурини қазиша тупроқ деформацияси ёки чуқур тубининг ёрилиши, ер ости қурилишида сувсизлантириш, қувур ўтказиш ёки қумни суюлтириш йўли билан ернинг чўкиши, тош қатламидаги барқарорлик муаммоси, бетон, темир ва пўлатдан ясалган арматураларнинг коррозияга учраши ҳар доим ҳал қилиниши керак бўлган муаммолардан ҳисобланиб келмоқда. Тадқиқотчилар ва мұхандислар мұхандислик геологик, гидрогеологик муаммолар ёки қурилиш фалокатларига катта эътибор қаратишмоқда. Сўнги ўн йилликда ер ости сувлари мұхандислиги тўғрисида кўплаб янги маълумотлар тўпланган [1,2].

Ер ости сувлари таъсирини аниқлаш ер ости сувлари гидрогеологиясининг асосий муаммоси ҳисобланади [3]. Шахар ер ости сувларини йиғиб олиш ва унинг ҳолатини баҳолаш суғориладиган дехқончилик ва шаҳар сув таъминоти учун катта аҳамиятга эга ва бу мавзу кўплаб тадқиқотчилар томонидан моделлаштирилган [4,5,6,7,8]. Ер ости сувлари моделларини яратиш ва кўллаш ер ости сувларини бошқарышнинг замонавий ҳамда самарали усуулларини кўллаш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Ер ости сувлари оқимининг тизимини ўрганишда асосан қумли идиш моделлари, аналог моделлари ва математик моделлар ишлатилган [9,10]. Моделлар кўпинча ҳисоблашлари ва ўрганиши қийин бўлган, фазовий ўзгарувчан сувли қатламларнинг физик ва геологик ҳолатини аниқлаш имконини беради. Аммо, бу ҳисоблаш мураккаб ва узоқ вақтни талаб қилгани учун бундай ҳисоблашлар замонавий компьютер дастурлари асосида бажарилади. Бир неча йиллардан бўён кўплаб тадқиқотчилар ер ости сувларининг физик модели ва

ҳисоблаш вақтини қисқартириш учун турли хил математик усуллар қўллашган. Одатда, моделнинг иш вақтини қисқартириш модели аниқлиги билан боғлиқ [11,12]. Ер ости сувлари жараёнига асосланган математик модели, муаммоли соҳадаги физик жараёнларни, муаммоли майдон ва оқимнинг бошланғич ва чегаравий шартларни, вақтга боғлиқ бошланғич шартларни тавсифловчи тенгламасидан иборат.

Математик моделларни аналитик ёки сонли ечиш мумкин бўлиб, бунда ер ости сувлари оқими учун математик моделлар ўзгарувчан ва ўзгармас вақтлар учун ечилади[13]. Аналитик моделларда ечим олиш учун математик тарзда эчилиши мумкин бўлган масалани юқори даражада соддалаштиришни талаб қиласди. Оддий аналитик ечимларни калкульятор ёрдамида ҳал қилиш мумкин, лекин мураккаброқ ечимлар кўпинча электрон жадвал ёки компьютер дастури ёки маҳсус дастурий таъминот ёрдамида амалга оширилади[14]. Аналитик ечимларга асосланган тахминлар, нисбатан содда тизимлар учун ўзини оқлайди, шунинг учун ер ости сувларининг кўпгина амалий масалаларига мос келмайди. Шунга қарамай, аналитик эчимлар ҳали ҳам баъзи муаммолар учун фойдалидир ва ер ости сувлари тизимларининг ҳаракатлари тўғрисида муҳим тушунча беради. Аналитик маделлар янада мураккаб рақамли моделларни тузишда фойдалари бўлиши мумкин, яъни рақамли моделларни ечадиган кодлар тўғри дастурлаштирилганлигини текшириш учун ишлатилади[15]. Аналитик элемент усули мураккаб масалаларни аналитик ечимларни беради. Аналитик элемент усули Гриннинг функцияларига асосланган ва аналитик элементлар деб номланувчи маълум турдаги аналитик ечимларни жойлаштириш учун компьютер кодига таянади[16,17]. Ҳозирги вақтда аналитик элемент моделлари ер ости сувлари оқими муаммосининг икки ўлчовли ва вақт бўйича ўзгармас ҳолатида энг кўп қўлланилади[16,18]. Аналитик элемент моделларидан уч ўлчовли ва вақт бўйича ўзгарувчан моделлаштириш сифатида ҳам фойдалидир. Одатда чекли айрималар ёки чекли элементлар усулига асосланган сонли моделлар ер ости сувларининг бошланғич ва чегаравий шартлари мураккаб бўлган ҳамда вақт бўйича ўзгарувчан ва ўзгармас оқимининг уч ўлчовли ғовак мухитларда ҳаракатини ҳисоблаш имкон беради[13].

Шаҳар худудида ер ости сувларининг сатхини қўтарилиши аҳоли яшаш жойлари, кўпдан-кўп муаммоларни келтириб чиқармоқда. Фарғона шаҳарнинг марказий қисмларида, Ёрмазор, Жўйдам худудларида ер ости сувларининг сатҳи 1-1.5 метрни ташкил қиласди. Бу муаммони ҳал қилиш учун, ҳозирги кунда чуқур зовурлар қазилиб сувлар йигилмоқда, бу зовурлар шаҳарда турли муаммолар ва ноқулайликлар келтириб чиқармоқда.

Ечиш усули


Кейинги йилларда Фарғона шаҳри худудида ер ости сувларининг сатхини қўтарилиши кўплаб муаммоларни келтириб чиқараётганлиги сабабли, ушбу худудда жойлашган кузатув қудуқларидан ер ости сувлари сатҳи ўлчанади ва олинган натижалар таҳлил қилинади. Ер ости сувлари юқорида жойлашган худудлар учун худуднинг гидрогеологиясидан фойдаланиб горизонтал дренажнинг гидравлик параметрлари танланади. Танланган гидравлик параметрлар ва ўлчаш натижалари математик моделнинг бошланғич шартлари сифатида қабул қилиниб, математик модель асосида шаҳар худудидаги ер ости сувлари сатхининг пасайиши ҳисобланади. Натижалар таҳлилини аниқлигини ошириш мақсадида, математик моделдан олинган натижалар 3D график ҳолга келтирилади.

Натижалар таҳлили ва мисоллар


Мухандислик қидирув ишлари натижаларига кўра, худудда йил давомида ёғингарчиллик куз, қиш ва баҳор ойларида кўп бўлади, чунки бу даврда ёмғир ёғиши кўпроқ, ёз ойларида эса озроқ бўлади. Ўртача бир йил давомида ёғингарчиллик миқдори 181,1 мм бўлиб, бир қунлик ёғингарчиллик миқдори 0.496 мм. Июль ойидан

сентябрь ойигача хаво қуруқ бўлади, бу ойларда ёғингарчилик кам бўлади. Ҳудуднинг фильтрация коэффициенти $K=0.000436$ м/сек бўлиб, аксарият жойларда сув ўтказмас қатламгача бўлган баландлик 40 м ни ташкил қилади. Ҳозирги кунда ер ости сувларининг кўтарилиши бино ва иншоатлар, экология, экин майдонлари ва ер ости коммуникацияларига салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шахар ҳудудида очиқ горизонтал канал ва зовурлар мавжуд бўлиб, тез тўлиб қолиши натижасида экологияга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бундай иншоотларни умумий ҳисоблаб чиққанда катта майдонни эгаллайди[19]. Бундан ташқари баъзи бино ва иншоатларни ер тўла қисмидан ер ости сувлари чиқиши ҳам кузатилмоқда. Шу ва шунга ўхшаш муаммоларни бартараф этишнинг энг мақбул ечими ёпиқ горизонтал дренажлар орқали ер ости сувларини йиғиб ва шахар ташқарисидаги экин майдонларга суғориш учун беришдир. Ҳудуднинг гидрогеологик ҳолати ўрганилганда йиғилган сувларни шахар марказидан ўтувчи “Марғилон Сой” орқали шахардан ташқарига чиқариш учун ернинг релефи мос келиши исботланган[12,20,21].

Ўрганилаётган ҳудуднинг кузатув қудуқларидан олинган 5-йиллик маълумотлари олинган (1,2-расмлар), бу маълумотларга кўра ер ости сувларининг сатҳи ер сиртидан 0.4-1.8 м пастда жойлашган.



1-расм. Ёрмазор ҳудудидаги жойлашган 12-01-01 кузатув қудуғидан олинган ер ости сувлари сатҳи.



2-расм. Ёрмазор ҳудудидаги жойлашган 12-01-06 кузатув қудуғидан олинган ер ости сувлари сатҳи

Физик модели. Муқаммал бўлмаган горизонтал дренаж(3-расм) учун солиштирма филтрация сарфи:

$$q = \frac{K(H^2 - H_{D_0}^2)}{2 \cdot (L + \Delta f_{(H_D)})} \quad (1)$$


бу ерда: H - ер ости сувлари сатҳини сув ўтказмас қатламдан баландлиги, м;

H_D -сув ўтказмас қатламдан дренаж марказигача бўлган баландлик, м;

K -грутнинг филтрация коэффициенти, м/сек;

L -горизонтал дренажнинг таъсир майдони узунлиги, м;

Δf_{H_D} -қўшимча филтрация қаршилиги.



3-расм. Муқаммал бўлмаган горизонтал дренаж

Ўрганилаётган ҳудуднинг грунти 2 хил қатламдан иборат бўлгани учун K -фильтрация коэффициенти қўйдагича топилади:

$$K = \frac{K_1 h_1 + K_2 h_2}{h_1 + h_2}$$

Қўшимча филтрация қаршилиги қўйдагича топилади:

$$\Delta f_{H_D} = 0.73 \cdot H_D \cdot \log_{10} \frac{2 \cdot H_D}{\pi H_D \cdot d} \quad (2)$$

бу ерда: d -дренажнинг диаметри, м.

Дренаж марказидан x масофагача бўлган узунлиқда сув ўтказмас қатламдан депрессия чизигигача бўлган ордината Z қўйдагича топилади:

$$Z = \sqrt{(H_D^2 + (H^2 - H_D^2) \cdot \frac{x}{L})} \quad (3)$$

Дренажнинг таъсир доирасидаги худудда ер ости сувларининг пасайиши учун кетган вақти:

$$t = \sqrt{\frac{L^2}{3 \cdot \frac{K}{S_s} \cdot h_a}} \quad (4)$$

бу ерда: S_s -грутнинг сувни чиқариш коэффициенти, $1/m$;

h_a -ер ости сувининг баландлиги пасайтирилаётган худуднинг ўртача қуввати, м.

Ер ости сувининг баландлиги пасайтирилаётган худуднинг ўртача қувватини аниқлаш учун қўйдаги формуладан фойдаланилади:

$$h_a = \frac{S}{2} \quad (5)$$

бу ерда: S -дренажнинг марказидан ер ости сувларининг сатҳигача бўлган баландлик, м.

Юқоридаги формулалардан фойдаланиб l узунлиқдаги горизонтал дренаж қабул қилган сувнинг сарфи ҳисобланган.

Математик модели. Дарси қонунида ифодаланган муносабатлар ва масса сақланиши қонуни ер ости сувларининг оқиши жараёнини ифодалайди. Ер ости сувлари оқимини чекли айрималар усулида ифодалаш учун Лаплас тенгламасидан фойдаланилади. Икки ўлчамли Лаплас тенгламаси қўйдаги кўринишда бўлади:

$$\frac{\partial^2 h}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 h}{\partial y^2} = 0 \quad (6)$$


Бу ерда худудга оқиб келаётган ёки оқиб кетаётган суюқлик микдорини ҳам инобатга олиш зарур, агар худудга суюқлик қўшилса Q нинг ишораси мусбат, худуддан суюқлик оқиб чиқадиган бўлса Q нинг ишораси манфий олинади. Лекин худудда ёғингарчилик туфайли (ёмғир-кор сувлари) Q_{kel} сарф қўшилияпти, дренаж орқали Q_{chik} сарфдаги сув ер остидан чиқарилияпти. Демак, умумий сарф:

$$Q = Q_{kel} - Q_{chik}$$


Ўрганилаётган майдон чегараси аниқлангандан сўнг, тўрлар усули орқали сегментларга бўлинади. Сегментдаги ҳар бир тугунда 4 тадан қўшни нуқталар мавжуд бўлиб, x ва у ўқлари бўйича иккинчи даражали ҳосилани қўйдагича ёзиб чиқиш мумкин бўлади(4-расм)[10,19,22]:

$$\frac{\partial^2 h}{\partial x^2} = \frac{h_{i-1,j} - 2h_{i,j} + h_{i+1,j}}{(\Delta x)^2} \quad (7)$$

$$\frac{\partial^2 h}{\partial y^2} = \frac{h_{i,j-1} - 2h_{i,j} + h_{i,j+1}}{(\Delta y)^2} \quad (8)$$



4-расм. Чегараланган майдонни сегментларга бўлиниши.



5-расм. Чекли айрималар тўрининг ички тугунлари.

Бу тенгламаларни (6) тенгламага алмаштириш орқали чекланган айрималар тенгламасига эга бўлдик:

$$\frac{h_{i-1,j} - 2h_{i,j} + h_{i+1,j}}{\Delta x^2} + \frac{h_{i,j-1} - 2h_{i,j} + h_{i,j+1}}{\Delta y^2} \pm \frac{Q_{i,j}}{T(\Delta x)^2} = 0 \quad (9)$$

$$h_{i-1,j} + h_{i,j-1} - 4h_{i,j} + h_{i+1,j} + h_{i,j+1} \pm \frac{Q_{i,j}}{T(\Delta x)^2} = 0 \quad (10)$$

бу ерда: T - ўтказувчанлик коэффициенти бўлиб, фильтрация коэффициенти ва қатламнинг қалинлигига боғлиқ, $m^2 / сек$.

(10) тенгламадан $h_{i,j}$ ни топадиган бўлсак:

$$h_{i,j} = \frac{h_{i-1,j} + h_{i,j-1} + h_{i+1,j} + h_{i,j+1}}{4} \pm \frac{Q_{i,j}}{4T(\Delta x)^2} \quad (11)$$

Ҳисоблашлар кўп маротаба такрорланадиган бўлса, такрорланиш сонини t даража кўрсаткичи орқали ифодаланади:

$$h_{i,j}^{m+1} = \frac{h_{i-1,j}^m + h_{i,j-1}^m + h_{i+1,j}^m + h_{i,j+1}^m}{4} \pm \frac{Q_{i,j}}{4T(\Delta x)^2} \quad (12)$$

Юқоридаги тенглама чегараланган ҳудудининг ички тугунлар учун ўринли. Агар x ўқидаги чегара учун $h_{i,j-1} = h_{i,j+1}$ деб қабул қилсак, ҳамда x ўқидаги чегара тугунлар учун (11) ва (12) тенгламаларга қўйдаги ўзгартиришни киритсак:

$$h_{i,j} = \frac{h_{i-1,j} + h_{i+1,j} + 2h_{i,j+1}}{4} \pm \frac{Q_{i,j}}{4T(\Delta x)^2} \quad (13)$$

ёки

$$h_{i,j}^{m+1} = \frac{h_{i-1,j}^m + h_{i+1,j}^m + 2h_{i,j+1}^m}{4} \pm \frac{Q_{i,j}}{4T(\Delta x)^2} \quad (14)$$

Барча чегара тугунлар учун (13) ва (14) тенгламаларга ўхшаб ўзгартиришлар киритилади.

Масалани сонли ечишда қуйидагича бошланғич ва чегаравий шартлар белгиланган:

киришда:

$$\frac{h}{h_0} = h_x \quad (15)$$

бу ерда: h_0 -киришдаги напор, м;

h_x -ер ости сувининг сатҳи, м.


чиқишда:

$$\frac{\partial^2 h}{\partial x^2} = 0, \quad \frac{\partial^2 h}{\partial y^2} = 0 \quad (16)$$

Ҳисоблашда ҳудуднинг барча қисмида ер ости сувларининг сатҳи 2 м [23], инфильтрация коэффициенти 0,496 мм/кун деб қабул қилинган. Юқоридаги шартлар асосида олинган дифференциал тенгламани сонли усулда ечилади.


Фарғона шаҳрининг Бешбона, Жўйдам ва Ёрмазор ҳудудларида ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиган. Ер ости сувларини пасайтириш учун горизонтал дренажлардан фойдаланиш энг самарадор усуллардан ҳисобланади. Ҳудудга тушаётган ёғин миқдори, горизонтал дренажнинг сув қабул қилиш қобилияти ва ер ости сувларининг напори каби бошланғич ва чегаравий шартлар асосида физик ва математик модели шакиллантирилган. Моделлаштиришдан олинган сонли ҳисоб натижалар график ҳолига келтирилган(5,6-расмлар). Графикдаги ранглар ер ости сувлари сатҳининг ўзгаришини кўрсатади.

Ер ости сувлари сатҳининг уч ўлчамли кўриниши 6-расмдаги графикда кўрсатилган бўлиб, бошланғич ҳолатда ер ости сувларининг сатҳини 2 м деб қабул қилганимиз, ер юзасидаги ёғингарчилик ҳисобига тушаётган сувнинг миқдори ҳисобига ер ости сувларининг сатҳи 0.6-0.7 м гача кўтарилиганлигини кўриш мумкин. Ҳақиқатдан хам ёғигарчилик кўп бўлган ойларда ер ости сувларининг сезиларли даражада кўтарилилганлигини, яъни 0.4-0.7 м гача кўтарилиганлигини 1,2-расмлардаги диаграммадан кўриш мумкин. Юқорида кўрсатилган 6-расмдаги график горизонтал дренаж жойлаштирилмаган ҳолат учун, яъни ҳудуддан горизонтал дренаж орқали суюқлик йиғиб олинмаган ҳолати учун моделдан олинган натижалар график ҳолатига келтирлган. Бу расмдаги графикдан ер ости сувларининг бошланғич баландлиги 2 т эканлигини кўриш мумкин бўлади. Агар ер ости сувлари ҳудуддан чиқарилмаса йил бўйлаб ёғган ёғингарчилик ҳамда ҳудудга ер ости ва ер устидан келаётган сувлар ҳисобига ер ости сувларининг кўтарилишини кўриш мумкин бўлади.



6-расм. Горизонтал дренаж ўрнатилмаган ҳол учун ер ости сувлари сатҳининг уч ўлчамли кўриниши

Ўрганилаётган ҳудудда ер ости сувларини пасайтириш мақсадида горизонтал дренажлар жойлаштирилгандан кейинги ер ости сувларининг энг максимал сатҳи 5.1-6.2 м гача тушганлигини кўриш мумкин(7-расм). Моделлаштиришда ҳудудга келаётган (ер ости ва ер усти сувлари, ёғингарчилик ҳисобига ҳосил бўлган сувлар) ва чиқариб юборилаётган (горизонтал дренажлар йиғган) сувлар инобатга олинган.



7-расм. Горизонтал дренаж ўрнатилгандан кейин ер ости сувлари сатҳининг уч ўлчамли кўриниши.

Хулоса.

Ер ости сувларини пасайтириш учун горизонтал дренажлардан фойдаланиш энг самарадор усуллардан ҳисобланади. Горизонтал дренажни қўллаш орқали шахар ҳудудида ер ости сувлари пасайтирилса, шахарнинг экологик ҳолати яхшиланади, шахардаги бино-иншоатлар, муҳандислик коммуникацияларига таъсир этаётган салбий оқибатлар камаяди. Йиғилган сувлар Марғилон сой орқали шахар ташқарисидаги экин майдонларга суғориш учун жўнатилади. Ҳудудга тушаётган ёғин микдори, горизонтал дренажнинг сув қабул қилиш қобиляти ва ер ости сувларининг напори каби бошланғич ва чегаравий шартлар асосида физик ва математик моделлари шакиллантирилган. Муҳадислар учун қулайликлар яратиш мақсадида физик ва математик ҳисоблашларнинг сонли натижалари 3D кўринишдаги график ҳолига келтирилган. Графикда ер ости сувлари сатҳининг ҳар бир ўзгариши ранглар ва чизиқлар билан ажратиб кўрсатилган. Таҳлиллар натижасига кўра агар шаҳарнинг ер ости сувлари кўтарилиган жойларида горизонтал дренажлар орқали ер ости сувларининг сатҳини пасайтирилиши кўрсатилган.

References

1. Y. Tang, J. Zhou, P. Yang, J. Yan, and N. Zhou, *Groundwater engineering*. Shanghai, 2017. 420 p.
2. A. M. Arifjanov, L. N. Samiev, F. K. Babajanov, G. M. Xamdamova, and S. N. Yusupov "Yer osti suvlari sathining o'zgarishini agrolandshaftlar barqarorligiga ta'sirini geoaxborot tizimi uslublari yordamida modellashtirish" [Modeling the impact of changes in the ground water level on the stability of agricultural landscapes using GIS]. Journal "Irrigatsiya va melioratsiya". Tashkent, 2020. №3(21). pp. 43-46. (in Uzbek)
3. K. B. Mulligan and D. P. Ahlfeld "Model reduction for combined surface water/groundwater management formulations" *Environmental Modelling and Software*. Oxford, 2016. vol. 81. pp. 102-110.
4. J. Bredehoeft "Hydrologic trade-offs in conjunctive use management". *Groundwater*. Hoboken, 2011. vol. 49, no. 4, pp. 468-475.
5. J. G. Arnold, P. M. Allen, and G. Bernhardt, "A comprehensive surface-groundwater flow model". *Journal of hydrology*. Amsterdam, 1993. vol. 142, no. 1-4, pp. 47-69.
6. R. M. Maxwell et al., "Surface-subsurface model intercomparison: A first set of benchmark results to diagnose integrated hydrology and feedbacks" *Water Resources Research*. Washington, 2014. vol. 50, no. 2, pp. 1531–1549.
7. N. R. Rossman and V. A. Zlotnik "Regional groundwater flow modeling in heavily irrigated basins of selected states in the western United States". *Journal of hydrology*. Amsterdam, 2013. vol. 21,no.6, pp.1173-1192.
8. M. A. Sophocleous, J. K. Koelliker, R. S. Govindaraju, T. Birdie, S. R. Ramireddygari, and S. P. Perkins "Integrated numerical modeling for basin-wide water management: The case of the Rattlesnake Creek basin in south-central Kansas". *Journal of hydrology*. Amsterdam,1999.vol.214, no.1-4, pp.179-196.
9. A. Arifjanov, L. Samiev, S. Yusupov, D. Khusanova, Z. Abdulkhaev and S. Tadjiboyev "Groundwater Level Analyse In Urgench City With Using Modflow Modeling And Forecasting System". E3S Web of Conferences. Moscow, 2021. vol.263, pp.1-8.
- 10.J. Istok "Groundwater modeling by the finite element method". Washington, 1989. 501 p.
- 11.M. Gosses, W. Nowak, and T. Wöhling, "Explicit treatment for Dirichlet, Neumann and Cauchy boundary conditions in POD-based reduction of groundwater models". *Advances in Water Resources*. Oxford, 2018. vol. 115, pp. 160-171.

12. Z. E. Abdulkhaev, A. M. Sattorov and M. A. O. Shoev "Protection of Fergana City from Groundwater". Euro Afro Studies International Journal. Vienna, 2021. vol. 3, no. 6, pp. 70-81.
13. M. P. Anderson, W. W. Woessner and R. J. Hunt "Applied groundwater modeling: simulation of flow and advective transport". Amsterdam, 2015. 565 p.
14. P. M. Barlow and A. F. Moench "Analytical solutions and computer programs for hydraulic interaction of stream-aquifer systems". Massachusetts, 1998. 85 p.
15. H. Haitjema "The role of hand calculations in ground water flow modeling". Groundwater. Hoboken, 2006. vol. 44, no. 6, pp. 786–791.
16. H. M. Haitjema "Analytic element modeling of groundwater flow". Bloomington: Academic Press, 1995. - 393 p.
17. O. D. Strack, "Groundwater mechanics". Englewood, 1989. 513 p.
18. R. J. Hunt "Ground water modeling applications using the analytic element method". Groundwater. Hoboken, 2006. vol.44, no. 1, pp. 5-15.
19. S. B. Akmalov "Using remote sensing very high resolution data in observation of open drainage system conditions in Syrdarya province". Journal "Irrigatsiya va melioratsiya". Tashkent, 2016. No2. pp. 26-29.
20. A. Z. Erkinjonovich, M. M. Mamadaliyevich, and S. M. Axmadjon o'g'li "Reducing the Level of Groundwater In The City of Fergana". International Journal of Advanced Research in Science, Communication and Technology. Nashik, 2021. vol. 2, no. 2, pp. 67–72.
21. Fathulloev A.M., Samiev L.N., Ahmedov I.G., Jumaboyev X, Eshev S.S., Arifjanov S. Bog'lanmagan gruntlardan tashkil topgan uznlarda yuvilmaslik tezliklarini aniqlash [To the determination of non-effective speed in the beds containing from unconnected soils]. Journal "Irrigatsiya va melioratsiya". Tashkent, 2019. №1(15). pp.27-32.(in Uzbek)
22. F. De Smedt "Groundwater modeling" Brussel, 2003. 106 p.
23. A. Ramazanov O glubine drenazha na zasolennykh zemlyakh [About the depth of drainage in saline lands]. Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya". Toshkent, 2018. №1(11). pp.13-17. (in Russian)

Bog'lanish uchun

1. Arifjanov Aybek Mukhamedjanovich – DSc, Professor Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers, 100000 – Tashkent city, Mirzo Ulugbek district, Qari Niyaziy street, 39. tel.: 71-237-19-71, e-mail: obi-life@mail.ru
2. Otaxonov Maqsud Yusufovich – PhD docent Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, 100000 - Tashkent, Mirzo Ulugbek district, 39, Qori Niyaziy street, phone: 71-237-19-71, email: maqsudxon.otaxonov.87@mail.ru
3. Abdulkhaev Zokhidjon Erkinjonovich - PhD student Fergana Polytechnic Institute, 150107, Fergana city, Fergana street, 86. tel.: 93 642-20-30, e-mail: zokhidjon@ferpi.uz

INNOVATIVE ROTOR CASING AND LEVELING APRON FOR COMBINED TILLAGE MACHINE

A.A. Akhmetov¹, L.B. Muratov²

¹"Design and Technological Center of Agricultural Machinery"

²Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers.

Abstract

This study explores the design and optimization of a combined tillage machine with an innovative rotor casing and leveling apron to improve soil cultivation efficiency. Experiments show that when the dragging prism height exceeds 200 mm, loose soil falls onto the rotor, causing forward ejection and uneven soil distribution. To prevent this, either the prism height must be reduced or the rotor-apron distance increased, though the latter increases machine size and weight. The optimal leveling apron length (205–220 mm) and curvature radius ($r_3 > 101.5$ mm) were determined to minimize repeated rotor blade impact on soil. A novel self-adjusting apron mechanism was developed, allowing dynamic adaptation to soil pressure changes, reducing waste, and ensuring uniform tillage. Field tests confirmed that the proposed modifications enhance tillage quality, reduce soil loss, and improve energy efficiency, providing a sustainable solution for modern mechanized agriculture.

Keywords: tillage machine, rotor casing, leveling apron, soil efficiency, mechanized agriculture, energy-saving.

ИННОВАЦИОННЫЕ КОНСТРУКЦИИ КОЖУХА РОТОРА И ФАРТУКА-ВЫРАВНИВАТЕЛЯ ДЛЯ КОМБИНИРОВАННОЙ ПОЧВООБРАБАТЫВАЮЩЕЙ МАШИНЫ

А.А. Ахметов¹, Л.Б. Муратов²

¹Конструкторский тех-нологический центр сельскохозяйственного машиностроения.

²Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Аннотация

В данном исследовании изучены вопросы проектирования и оптимизации комбинированной машины для обработки почвы с использованием инновационного роторного корпуса и выравнивающего фартука для повышения эффективности обработки почвы. Эксперименты показывают, что при высоте волочильной призмы более 200 мм на ротор падает рыхлая почва, что приводит к выбросу вперед и неравномерному распределению почвы. Для предотвращения этого необходимо либо уменьшить высоту призмы, либо увеличить расстояние ротора-апрона, хотя последнее увеличивает размер и вес машины. Были определены оптимальные длина выравнивающего фартука (205-220 мм) и радиус кривизны ($r_3 > 101,5$ мм) для минимизации повторного удара лопасти ротора на почву. Разработан новый саморегулирующийся механизм фартука, позволяющий динамически адаптироваться к изменениям давления почвы, уменьшать отходы и обеспечивать равномерность обработки почвы. Натурные испытания подтвердили, что предложенные модификации повышают качество обработки земли, снижают потери почвы и повышают энергоэффективность, обеспечивая устойчивое решение для современного механизированного земледелия.

Ключевые слова: машина для обработки земли, корпус ротора, фартук для выравнивания, эффективность почвы, механизированное сельское хозяйство, энергосбережение.

КОМБИНАЦИЯЛАШГАН ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАСИ УЧУН ИННОВАЦИОН РОТОР КОЖУХИ ВА ТЕКИСЛОВЧИ ФАРТУК

А.А. Ахметов¹, Л.Б.Муратов²

¹«Қишлоқ хұжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик марказы».

²Тошкент ирригация ва қишлоқ хұжалигини механизациялаш мұхандислари институти.

Аннотация

Ушбу тадқиқот ишида тупроққа ишлов бериш самарадорлигини ошириш учун комбинациялашган тупроққа ишлов бериш машинасининг инновацион роторлы кожух ва текисловчи фартук конструкцияси ва уни оптималлаштириш масалалари тадқиқ әтилған. Тажрибалар шуни күрсатады, тортиш призмасининг баландлиги 200 мм дан ошганда, бүш тупроқ роторга тушади, бу эса олдинга отишга ва тупроқнинг нотекис тақсимланишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун ё призма баландлигини пасайтириш ёки ротор-апрон масофасини ошириш керак, аммо бу машина ўлчами ва оғирлигини оширади. Тупроққа ротор тифининг такорий таъсирини минималлаштириш учун текисловчи фартукнинг оптимал узунлиги (205-220 мм) ва әгрилик радиуси ($r_z > 101,5$ мм) аниқланды. Тупроқ босимининг ўзгаришига динамик мослашишга, чиқиндиларни камайтиришга ва тупроққа бир текис ишлов беришни таъминлашга имкон берадиган янги ўз-ўзини созвучи фартук механизми ишлаб чиқылди. Таклиф әтилған модификациялар тупроққа ишлов бериш сифатини ошириш, тупроқнинг йүқотилишини камайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш, замонавий механизациялашган қишлоқ хұжалигининг барқарор ечимини таъминлаши дала синовларидан ўз тасдиғини топди.

Таянч сұздар: тупроққа ишлов бериш машинаси, ротор корпуси, текисловчи фартук, тупроқ самарадорлиги, механизациялашган қишлоқ хұжалиги, энергия тежамкор.

Введение.

ВЛИЯНИЕ ЭЛЕКТРОФИЗИЧЕСКИХ МЕТОДОВ НА ПРОЦЕССЫ КОРНЕОБРАЗОВАНИЯ ВИНОГРАДА

Н.М.Маркаев

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье описаны возможности электрофизической обработки перед посадкой черенков при вегетативном выращивании саженцев винограда. Процессы корнеобразования у черенков с помощью электрофизического метода в статье Ускорение процесса корнеобразования у черенков черного изюма, обработанных при 71 В/м и напряженности электрического поля 15 часов, и повышение жизнеспособности, качества, роста и приживаемости укорененных сеянцев до 16,67-34%. Представлены результаты опытов по увеличению и способам электротехнологической обработки черенков винограда. Результатом исследования являются анализ и результаты процессов корнеобразования черенков винограда черной смородины с напряженностью электрического поля 71 В/м и временем обработки 4,8,12,15 и 24 часа. Когда время электрической обработки (напряженность электрического поля 71 В/м) составляет от 4 до 8 часов, консистенция виноградных черенков равна 66,66%, 83,33% за 12 и 24 часа, 100% за 15 часов по сравнению с контрольным вариантом (66,66%), и результаты описаны в статье.

Ключевые слова: электрическая цепь, сопротивление, виноград, черенки, вегетативное распространение, напряженность электрического поля, электростимуляция, напряжение, энергия электромагнитного поля.

Кириш

Жаҳонда мевали дарахт ва узумзорларни күпайтириш жараёнида ресурс тежамкор технологиялар қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Бугунги кунда дунё миқёсида саноат узумчилигини ривожлантириш ва шароб маҳсулотлари ҳамда майиз ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ялпи узум етиштириш ҳажми бўйича сўнгги йилларда Хитой (14842,680 минг тонна), Италия (8241,914 минг тонна), АҚШ (7097,723 минг тонна) ва Франция (6242,034 минг тонна), етакчилик қилмоқда. Бугунги кунда дунёнинг ялпи узум ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларни эгаллаб келаётган Хитой, Италия, АҚШ ва Франция каби давлатларда саноат токзорлари барпо қилиш учун вируслардан холи соғломлаштирилган, юқори маҳсулдор, филлоксерага бардошли сертификатланган кўчатларини етказиб бериш долзарб вазифа ҳисобланади [1]. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимида узумчиликни ривожлантириш ва унинг юқори сифатли кўчат берувчи плантацияларини барпо этиш ва кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «... қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни күпайтириш» муҳим стратегик вазифалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган [2].

Кўриб чиқилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили ва манбааларга ҳаволалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 мартағи «Республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида» ПҚ-1937-сон қарори, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5200-сон «Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида 2021-2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ихтисослашган туманларда узум плантацияларини ташкил этиш прогноз кўрсаткичларида Республика бўйича жами узумзорлар барпо этиладиган майдон 156945 гектар, шундан аҳоли томорқаларида 25581 гектар узум плантацияларини ташкил этиш кўзда тутилган [3]. Узум чилик кластерларини ташкил қилишда яхши ривожланган кўчатлар соғлом, тана, навда ва илдизларда ҳеч қандай заарланишларсиз етиширилган ва турли касалликлардан ҳоли узум кўчатларига талаб ошади [4].

Узум кўчатларини етишириш технологиясини такомиллаштириш бўйича турли давлатларда В.В.Пилюгина, В.И.Мичурин, А.М.Басов, И.И.Гунар, П.П.Радчевский, А.Г.Кудряков Б.Р.Лазаренко ва И.Ф.Бородин Султонов К.С каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Радчевский П.П., Трошин Л.П тадқиқотларида 2010-2011 йилларда узумнинг Августин, Ляна, Молдова, Виорика, Ритон, Первениц Магарача, Подарок Магарача ва Цитронный Магарача навларида тажриба ўтказган бунда ҳар бир навдан 80 тадан қаламчалар (40 та назорат, 40 та ишлов берилган) ишлатилган. Қаламчалар 24 соат давомида гетераауксиннинг 0,01% ли эритмасига жойлаширилган. Суюқлик қатлами 5 см, қаламчалар паски қатламидаги ҳарорат маҳсус датчиклар ёрдамида 25-27°C даражада сақланган [5]. Ўртacha икки йил давомида назорат вариантида Августин ва Первениц Магарача навларида навда узунлиги ишлов берилганга нисбатан 10,1-14,7% га, Ляна, Молдова ва Ритон навларида эса аксинча, ишлов берилган вариант назоратдагига нисбатан 7,2-67,6% кўп бўлган. [6,7]

Масаланинг қўйилиши. Узум кўчатлари ва қаламчалари биологик хоссалари ҳамда фитосанитар ҳолатига боғлиқ ҳолда бир ёки икки ёшлига бўлинади. [8,9,10]

Ток бошқа маданий ўсимликлар қатори жинсий (урӯғидан) ҳамда вегетатив йўл билан кўпаяди. Урӯғидан кўпайтириш, асосан, селекция ишларида қўлланилади. Амалиётда вегетатив йўл билан қаламчасидан, яшил қаламчасидан, пайвандлаб, пархишлаб кўпайтирилади. [11, 12]

Вегетатив йўл билан кўпайтирилган ток қайта тикланиш, яъни регенератив хусусиятга эга. Ток органларининг қайта тикланиши бир хил кечмайди, масалан, илдиз бўлаги, барг банди, тўпгул банди илдиз чиқариши мумкин. Аммо уларда куртаклар йўқлигидан новдалар ривожланмайди. Қайта тикланиш жараёни ток навининг биологик хусусиятлари, новданинг ёши, ундаги озиқ моддаларнинг миқдори, тупроқ нами ва унумдорлиги каби омилларга боғлиқ [13]. Ток қаламчаларидан кўпайтирилганда бўлғуси органлар қутублик асосида, яъни қаламчанинг юқори томонида (юқори қутбидан) новдалар, пастки қисмидан (пастки қутбидан) илдиз ҳосил қиласи. Регенерация яхши пишган бир йиллик новданинг ўрта қисмидан олинган қаламчаларда яхши кечада [14].


Қаламчаларнинг яхши тутиб кетиши ва ривожланиши учун уларга ўтқазишдан олдин ишлов берилади. Асосий мақсад экилган қаламчаларда илдиз ҳосил бўлишини тезлаштиришдир. Ҳеч қандай ишлов берилмай ўтқазилган қаламчаларнинг бир қисми тутмаслиги, яна бир қисми дастлаб барг ва новда чиқариб кейин қуриб қолиши мумкин. Бунга сабаб, асосан илдизнинг ҳали

яхши шаклланмаганлигидир. Қаламчаларнинг дастлабки ўсиши уларда ўтган йил тўпланган озиқ моддалар ва намлик ҳисобига бўлади. Илдиз ҳосил бўлиш билан янги новдаларнинг ўсиши ўртасидаги мутаносиблик бузилса, яъни илдиз кечроқ шаклланса қаламча қурийди. Амалий токчиликда қаламчаларда илдиз ҳосил бўлишини тезлаштиришнинг бир қатор усууларидан фойдаланилади.

Бир сўз билан айтганда гетероауксинни 0,01% ли эритмаси илдиз ҳосил бўлиши ва илдизлар сонини кўпайишига ёрдам берган. Назорат билан солиштирганда ўсиш 0,9 ва 2,4 бирликни ёки 18,0% ва 38,0% ни ташкил этган [15].

Трошин Л.П., Радчевский П.П лар 2010-2011 йилларда ўтказилган тажриба натижаларига кўра шундай фикрларни илгари суришган. Демак узум қаламчаларида илдиз ҳосил бўлиш жараёни генетик жиҳатдан аниқланган хусусият бўлиб, гетероауксин эритмаси таъсири барқарор ижобий реакцияга олиб келмайди ва қаламчаларнинг нав хусусиятларига, сифати ва физиологик ҳолатига боғлиқ эканлигини аниқлаганлар.

Черкунов В.С., Трошин Л.П. тадқиқотларида узумнинг Кобер 5ББ ва Молдова навларининг қаламчаларига Препарат «Проагри Радикс плюс» («Радикс») нинг 1% ли эритмаси билан ишлов бериб натижаларини кўриб чиқканлар [16]. Уларнинг фикрича «Радикс» нинг 1% ли эритмаси билан ишлов берилган қаламчаларда ҳосил бўлган куртакларнинг очилиши секинлашган шу билан биргаликда илдиз ҳосил бўлиши тезлашиб, уларнинг сони ошганлиги кузатилган. Радчевский П.П., Черкунов В.С., Л.П Трошинлар томонидан 2006 йилда ўтказилган тажрибанинг 26 кунида назорат вариантида навда ва барк ҳосил қилган қаламчалар 40,8% ни, ишлов берилганида эса атиги 17,5% ни ташкил этган. Тажрибанинг 30 кунига келиб, куртакларнинг очилиши назорат вариантида 91,8% ни, ишлов берилган қаламчалардаги куртакларнинг очилиши 35% ни ташкил этган (1- расм).



1-расм. Кобер 5ББ навининг қаламчаларини «Радикс» препаратининг 1% эритмаси билан ишлов беришнинг куртаклар очилишига таъсирининг динамикаси.

Ишлов берилган қаламчаларнинг 92,5% илдиз ҳосил қилган бўлса, назоратда фақат 60%, яни 32,5% га кам эди. «Радикс» препарати нафақат илдизли қаламчалар сонига, балки уларда ҳосил бўлган илдизлар сонига ҳам ижобий таъсир кўрсатади ва қаламчаларнинг пастки қисмида эрта ва қулайроқ илдиз шакилланишига ёрдам беради. [17]

Лыков А. С., Щебетеев В. А., Скворцов В. А тадқиқотларига кура узум қаламчаларини экишдан олдин электр ишлов беришда, қаламчаларни электр энергияси билан таъминлашда суюқ электр ўтказувчан эритма орқали таъминлаш усули энг мос келадиган усулигини аниқлаган.

Узум кўчатларини етиштириш технологияларини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида қаламчаларнинг тутувчанлигини оширишда механик, физиологик, кимёвий, жисмоний ва электрофизик усуллардан фойдаланилади [18].

Шунингдек, қаламчаларни экишга тайёрлашда оддий усуллардан ҳам фойдаланилади. Бу усуллар ҳам қаламчаларда илдиз пайдо бўлишини тезлаштиради. [19] Бироқ ишлаб чиқариш шароитида ушбу усуллар ҳар доим ҳам кутилган самарани таъминлай олмайди. Бундан ташқари ўсиш регуляторлари одатда қимматга тушади ва маълум бир токсикликка эга ва агар қаламчаларни қайта ишлашда хавсизлик қоидаларига риоя қилинмаса инсон саломатлигига зарар етказиши мумкун.

Ҳозирги фаннинг ҳолати узум қаламчаларида илдиз ҳосил бўлишини тезлатишга қаратилган турли хил стимуляторлар, шу жумладан электромагнит майдон энергиясининг турли кўринишлари (электр майдони, электр токи, магнит майдони, электр разряди, электромагнит тўлқинлар, импульсли электромагнит майдони) нинг электрофизик таъсирлари ёрдамида бошқариш ва ўсимликлар ҳаётига фаол аралашиш орқали уни тўғри йўналишга йўналтириш имкони мавжудлигини кўрсатмоқда. [20]

Ечиш усули ва услублари

Ўрганиб чиқилган назарий билимлар ва юқоридаги назариялар асосида узумнинг қора кишмиш навининг уч кўзли қаламчаларида вегетация тажрибалари шаклида ўтказилди. Тажриба учун қаламчалар баҳор ойида навдаларда сув оқими бошланмасдан олдин узумнинг қора кишмиш навидан тайёрланди ва қаламчалар узунлиги 23 см дан қилиб тайёрланиб, маҳсус ўраларда 5 апрель кунига қадар сақланди.

Тажрибада жами 36 та узум қаламчаларидан фойдаланилди. Электр токи ёрдамида ишлов берилган узум қаламчалари сони 30 та ва 6 та назорат учун қолдирилди (2-расм). Тажрибада саноат частотали (50 Гц) ўзгарувчан тоқдан фойдаланилди.



2-расм. Узум қаламчаларига электр ишлов бериш жараёни

Тажрибада электр майдон кучланганлигининг 71 В/м да ишлов берилди. Қаламчаларга ишлов бериш вақтлари 4, 8, 12, 15, 24 соатни ташкил қилди. Назарий жиҳатдан қараганда ўсимлик объектларига электр ишлов беришда (масалан, узум қаламчалари) ишлов бериш уларнинг алоҳида қисмларини электр занжирининг элементлари сифатида қараш мумкин.

Демак бу ҳолатда, узум қаламчасига электр ишлов беришнинг умумий алмаштириш схемаси қаршиликларнинг кетма-кет ва параллель шаклида деб тасаввур қилиш имконини беради. Тажрибада ишлатилган электродлар бир хил геометрик ўлчамларга эга бўлган бир хил (зангламайдиган пўлат) металлдан ясалган ва электрод бутун узунлиги бўйлаб бир хил кесимда ясалган ва электр токи ишлов бериш схемасидан ўтганда, унинг барча элементлари маълум миқдордаги қувватни истеъмол қиласди:

$$P_o = 2P_1 + P_2 + P_3 \quad (1)$$

бу ерда: P_1 , P_2 , P_3 қувватлар R_1 , R_2 , R_3 қаршиликлар томонидан истимол қилинган қувват миқдори.

Қаламчалар томонидан истеъмол қилинган энергия электр авжлантиришга сарфланади ва технологик иш бажаради. Электр ишлов бериш занжирининг қолган қисмлари томонидан истеъмол қилинган энергия фойдали иш бажармайди ва юқотилишга учрайди. Фойдали қувват сарфини P_ϕ ва исроф бўлган қувватни P_u деб белгилаб, қуидагиларни ёзиш мумкин:

$$P_\phi = P_2 \quad P_u = 2P_1 + P_3 \quad (2)$$

Узум қаламчаларига электр ишлов бериш схемасининг самарадорлиги қуидаги нисбат билан баҳоланади:

$$\eta = \frac{P_\phi}{P_0} = \frac{P_2}{2P_1 + P_2 + P_3} \quad (3)$$

Ишлов берилган узум қаламчалари (30 та қаламча) гул тувакларига 6 апрел куни экилди. Шуни таъкидлаш лозимки, қаламчаларнинг барчаси битта узумнинг пишган бир йиллик навдаларидан тайёрланди. Қаламчаларга электр ишлов беришда ускунаси 3,8 литрли пластмасса идиш (контейнер) лардан фойдаланилди. Электротехнологик ишлов бериш қурулмасида жойлашган электродлар зангламайдиган материалдан тайёрланган бўлиб, электродлар эни 7 см, узунлиги 16 см ва улар орасидаги масофа 25 см ни ташкил қиласди.

Ўтказилган тажриба натижаси шуни кўрсатдиги узум кўчатларига электр токи ёрдамида таъсир кўрсатилса кўчатнинг актив гормонал ҳолатига таъсир кўрсатмайди ва ўсимлик тўқималари фақат электр майдон кучининг паст даражаларида фаол ўтказувчанликка эга эканлиги аниқланди.

Натижалар таҳлили ва мисоллар

Узум қаламчаларига экишдан олдин электр токида ишлов бериш қаламчаларда илдиз ҳосил бўлиш жараёнларини сезиларли даражада оширади ва қаламчаларнинг тутувчанлиги ошади бу эса кўчатларнинг ривожланиш даражаларини сезиларли даражада ошириди.

Электр токи ёрдамида узум қаламчаларига ишлов бериш орқали илдиз отиш жараёнлари 71 В/м электр майдони кучланганлиги ва 15 соатлик тасир қилинганда энг юқори натижаларни кўрсатди ва қаламчаларда илдиз ҳосил бўлиш жараёни 100% ни ташкил этди.

Ишлов бериш вақти 4,8 ва назорат вариантида (ишлов берилмаган) 71 В/м электр майдони кучланганлигига ишлов берилганда узум қаламчаларининг тутувчанлиги бир хил яъни 66,66% га teng бўлди. Учунчи ишлов бериш вақти 12 ва 24 соатни ташкил этганда 71 В/м электр майдони кучланганлигига ишлов берилганда узум қаламчаларининг тутувчанлиги 83,33% га teng бўлди. Назорат вариантида эса узум қаламчаларининг тутувчанлиги 66,66% ни ташкил этди ва назоратдагига нисбатан олиб қараганда 71 В/м электр майдон кучланганлигига 15 соат давомида ишлов берилган узум қаламчаларининг тутувчанлиги 16,67-33-34% га ошганлиги кузатилди.

Демак тажрибада кузатилган натижалардан маълум бўлдики узум қаламчаларига экишдан олдин электр ишлов бериш орқали кўчатларнинг тутувчанлигини ошириш имконини беради. Шундай экан узум қаламчаларни экишдан олдин электр ишлов беришга қаратилган қурулмани лойиҳалаш ва бу билан гектарлаб экиладиган кўчатлар тутувчанлигини ошириш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Хулоса

Тажриба синовлари шуни кўрсатдиди узум қаламчаларига электорофизик таъсиrlар ёрдамида ишлов бериш қаламчаларда илдиз ҳосил бўлиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштиради ва кўчатларининг тутувчанлигини оширади.

Узум қаламчаларида илдиз ҳосил бўлиш жараёнларини электротехнологик усувлар ёрдамида амалга оширишда 50 Гц саноат частотали ўзгарувчан тоқдан фойдаланиш тавсия этилади ва уни узум қаламчалариغا суюқлик орқали етказиш энг самарали технологиялардан биридир.

Қора кишмиш навли узум қаламчаларига электротехнологик ишлов бериш орқали 71 В/м электр майдони кучланганлиги ва 15 соатлик таъсиr қилинганда қаламчаларнинг тутувчанлик даражаси 100% ни ташкил этиб, назорат вариантига нисбатан қаламчалар тутувчанлиги 16,67-33-34% га ошганлигини кўрсатди.

References

1. Presidential Decree No. PP-5200 Uzbekiston Respublikasini janada rivozhlantirish bujicha kharakatlar strategijasi turrisida [On additional measures to support the introduction of a cluster system in the development of viticulture, the involvement of advanced technologies in the industry] Tashkent, July 8, 2021. (in Uzbek)
2. Korepanov R.I. Povyshenie jeffektivnosti obluchenija mikroklonal'nyh rastenij vinograda i zhimolosti IN VITRO i EX VITRO lentochnymi RGB svetodiodnymi fitoustanovkami [Increasing the efficiency of irradiation of microclonal grape and honeysuckle plants IN VITRO and EX VITRO with RGB LED phytoinstallations] Authorship. Dissertation for Candidate of Technical Sciences - Cheboksary, 2020 - 20 p. (in Russian)
3. NM Markaev, O. Kholiknazarov, Sh. Yusupov Jelektromagnit majdon jenergijasidan jelektrotehnologik maqsadlarda fojdalanish imkonijatlari [Opportunities for the use of electromagnetic field energy for electrotechnological purposes] Journal of Agriculture and Water Resources of Uzbekistan Special issue 2019. November 11, 2019. Pp. 50-51. (in Uzbek)
4. Pogosyan K.S., Babakhanyan M.A. Vyrashchivaniye sazhentsev vinograda na gidroponiike [Growing grape seedlings hydroponically] Winemaking and viticulture.-Moscow, 2001.-№2.- 29 p. (in Russian)
5. A.A. Luchinkin O stimulirujushhej dejstvii jektricheskogo toka na vinogradnye privivki [On the stimulating effect of electric current on grape vaccinations] Scientific. Tr. MUSHROOM. Kiev, 1980. Issue. 247. P 124. (in Russian)
6. Sultonov KS Uzumning juqori sifatlari sertifikatlangan kucatlarini islab ciqaris tizimining ilmij asoslari [Scientific basis of the system of production of high quality certified grape seedlings] Authorship. Dissertation Doctor of Agricultural Sciences.-Tashkent, 2018. Page 222. (in Uzbek)
7. GOST 1191-2009 (OzDSt 1191: 2009). Uzum kuchatlari va kalamchalari [Grapes and pens] General technical conditions.-Tashkent, 2009.-12 p. (in Uzbek)
8. Lykov A.S., Schebeteev V.A., Skvortsov V.A. Energeticheskiye pokazateli ustanovki elektrostimulyatsii cherenkov vinograda. [Energy indicators of the installation of electrical stimulation of grape cuttings] Technical science "Colloquium-journal" # 3 (27). 2019, 37-40 p. (in Russian)

9. Maltabar L.M. Yeshche raz o sisteme i superintensivnoy tekhnologii proizvodstva sertifitsirovannogo posadochnogo materiala [Once again about the system and superintensive technology for the production of certified planting material] Nursery grapes.-Krasnodar, 2004.-P.8-16. (in Russian)
10. Kudryakov A.G. Stimulacija korneobrazovaniya cherenkov vinograda jelektricheskim polem Stimulation of root formation of grape cuttings by an electric field: Authorized fats. Dissertation for Candidate of Technical Sciences, Krasnodar, 1999, 23 p. (in Russian)
11. Kudryakov A.G., Perekomy G.P., Radchevsky P.P., Lykov A.S., Bezler S.Yu. Povyshenie sposobnosti korneobrazovaniya vinogradnyh cherenkov s pomoshch'ju jelektricheskogo toka. [Increasing the rooting ability of grape cuttings using electric current.] Krasnodar, 1999, 23 p. (in Russian)
12. GOST 28181-89. Cherenki vinogradnoj lozy [Grapevine cuttings] Technical conditions. Moscow, 2007.-8 p.
13. Radchevsky P.P., Cherkunov V.S., Troshin L.P. Primenenie biologicheski aktivnogo veshhestva «Radiks» pri vyrahhivanii vinogradnogo posadochnogo materiala [The use of the biologically active substance "Radix" in the cultivation of grape planting material] Polythematic network electronic scientific journal of the Kuban State Agrarian University (Scientific journal KubSAU) - Krasnodar: KubSAU, 2010. - No. 60 (06). Pp. 358 - 378. (in Russian)
14. P.P. Radchevsky, L.P. Troshin Regeneratsionnye svoystva vinogradnykh cherenkov pod vliyaniem obrabotki ikh geteroauksinom v zavisimosti ot sortovykh osobennostey [Regenerative properties of grape cuttings under the influence of their treatment with heteroauxin depending on varietal characteristics] Scientific journal KubSAU. - Krasnodar: KubGAU, 2012. - No. 03 (077) .Pp1194-1223. (in Russian)
15. N.M. Markaev, Sh. Yusupov, B. Khushboqov. Rakhmonov Uzum kuchatlarini ildiz otish zharaonini avzhlantirishda jeklrotehnologik usullardan fojdalanish [Use of electrotechnological methods in accelerating the process of rooting of grape seedlings] Agro Ilm Journal Special Issue [70], 2020. November 23, 2020. Pp 41-42. (in Uzbek)
16. T. Baizakov, N. Markaev, Sh. Yusupov Izuchenije vozdeystviya energii elektromagnitnogo polya na sootvetstvuyushchiye vidy rastitel'nogo mira i obosnovaniye vozmozhnosti primeneniya ikh v tekhnologicheskikh tselyakh [Study of the impact of the energy of the electromagnetic field on the corresponding species of the plant world and substantiation of the possibility of using them for technological purposes] Uzbekhydroenergetics journals III (7) 7.10.2020. Pp 25-28. (in Russian)
17. Berdishev A S., Markaev NM., Hasanov J. Effects of electrophysical processing on the development of vine root roots. E3S Web of Conferences 264, 04090 (2021). CONMECHYDRO 2021
18. P.P. Radchevsky Vliyaniye impul'snogo elektromagnitnogo polya na gegeneratsionnyu aktivnost' cherenkov vinograda sorta moldova [Influence of a pulsed electromagnetic field on the regenerative activity of grape cuttings of the moldova variety] Scientific journal KubSAU, No. 95 (01), 2014. P 26. (in Russian)
19. Nikolsky M.A. Sovrshennostvovaniye priyemov aktivizatsii korneobrazovaniya u podvoyev i sortov vinograda pri proizvodstve sazhentsev [Improving the methods of activating root formation in rootstocks and grape varieties in the production of seedlings] dis. and. s.-kh. sciences. Krasnodar, 2009.- 24 p. (in Russian)

Bog'lanish uchun

1. Markaev Nuriddin Murodovich - TIIAME-NRU doctorate.
39, Qori-Niyaziy street, Mirzo Ulugbek district, Tashkent city

RESULTS OF PROXIMATE ANALYSIS OF ENERGY USE OF MUNICIPAL SOLID WASTE

Abduganiev.N.N.

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers.

Abstract

The increasing demand for energy and sustainable waste management has made municipal solid waste (MSW) an important resource for potential energy generation. This research explores the composition and energy potential of MSW in the Urta-Chirchik district of the Tashkent region. The waste sorting analysis revealed that the majority of MSW in the area consists of wood waste (47.9%), textiles (13%), food residues (9.5%), polyethylene (8.9%), and other materials. The proximate analysis indicated that the moisture content of general MSW and wood waste samples was 13.05% and 18.22%, respectively. These findings highlight the significant energy value of MSW in the region, emphasizing its potential for bioenergy applications. The results of this study provide a foundation for further research into efficient waste-to-energy conversion methods.

Keywords: biomass, municipal solid waste, moisture content, volatile matter, ash content, fixed carbon content.

РЕЗУЛЬТАТЫ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО АНАЛИЗА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭНЕРГИИ ТВЕРДЫХ БЫТОВЫХ ОТХОДОВ

Абдуганиев Н.Н. – базовый докторант,

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Аннотация

Возрастающий спрос на энергию и устойчивое управление отходами делает муниципальные твердые отходы (МТХ) важным ресурсом для генерации потенциальной энергии. В данном исследовании исследуется состав и энергетический потенциал МСВ Уртачирчикского района Ташкентской области. Анализ сортировки отходов показал, что основную массу ТБО в районе составляют отходы древесины (47,9%), текстиля (13%), остатки пищевых продуктов (9,5%), полиэтилена (8,9%) и другие материалы. Проксимальный анализ показал, что влажность образцов общего МСВ и древесных отходов составила 13,05% и 18,22% соответственно. Эти результаты подчеркивают значительную энергетическую ценность МСВ в регионе, подчеркивая его потенциал для применения в биоэнергетике. Результаты данного исследования служат основой для дальнейших исследований эффективных методов преобразования отходов в энергию.

Ключевые слова: биомасса, муниципальные твердые отходы, влажность, летучее вещество, зольность, фиксированный углерод.

ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДАСТЛАБКИ ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ

Н.Н.Абдуганиев

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти.

Аннотация

Corresponding author: Abduganiev. N.N. admin@tiiame.uz

Энергия ва чиқиндиларни барқарор бошқаришга бўлган талабнинг ортиб бориши қаттиқ майший чиқиндиларни (ҚМЧ) потенциал энергия ишлаб чиқариш учун муҳим ресурсга айлантириди. Тадқиқотнинг обьекти сифатида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги ҚМЧ таркиби ва энергетик салоҳияти олинган. Чиқиндиларни саралаш таҳлили шуни кўрсатдики, ҳудуддаги ҚМЧнинг асосий қисмини ёғоч чиқиндилари (47,9%), тўқимачилик (13%), озиқ-овқат қолдиқлари (9,5%), полиЭтилен (8,9%) ва бошқа материаллар ташкил этади. Таҳминий таҳлил шуни кўрсатдики, умумий ҚМЧ ва ёғоч чиқиндилари намуналарининг намлиги мос равиша 13,05% ва 18,22% ни ташкил этди. Ушбу топилмалар минтақадаги ҚМЧларнинг муҳим энергия қийматини таъкидлаб, унинг биоЭнергетик мақсадларда қўлланилиш имкониятларини таъкидлайди. Ушбу тадқиқот натижалари чиқиндиларни энергияга айлантиришнинг самарали усусларини келгусида тадқиқ қилиш учун асос бўлади.

Таянч сўзлар: биомасса, қаттиқ майший чиқиндилар, намлик, учувчан моддалар, кул миқдори, қаттиқ углерод миқдори.

Кириш

Бугунги саноат ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожланиши энергияга бўлган талабнинг ошишига олиб келади. Ҳозирда энергияга бўлган талаб асосан табиий энергия ресурслари(табиий газ, кўмир, нефть) ҳисобига қондирилаётган бўлиб, бу биринчи навбатда қазилма ёқилғи заҳираларининг камайишига олиб келади. Шунингдек қазилма ёқилғилардан фойдаланиш атроф-муҳит зарарланишига, “иссиқхона эфекти” ни юзага келтиришга ва инсон саломатлигига салбий таъсир қиласи[1,2]. Юқорида келтирилган ҳолатлар нафақат бутун дунёда балки, Ўзбекистонда ҳам ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари(куёш, шамол, сув, биомасса ва бошқ.)дан фойдаланишга ва уни ривожлантиришга катта эътибор беришни талаб этмоқда. Биомасса – биоёқилғи ва электр энергия ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлган ўрмон ҳамда қишлоқ хўжалигидаги ўсимлик қолдиқлари, оқава сув чўқиндилари, органик модда ва қаттиқ майший чиқиндилардан иборат қайта тикланувчи энергия манбаи[3,4].

Жаҳон Банкининг статистик маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича йилига 1,3 миллиард тонна қаттиқ майший чиқинди ҳосил бўлмоқда ва бу кўрсаткич 2025-йилга бориб 2,2 миллиард тоннага етиши кутилмоқда[5]. Бугунги кунда нафақат жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари балки, АҚШ, Хитой ва Ҳиндистон каби аҳоли сони юқори бўлган мамлакатларда ҳам йилига мос равиша 254 млн. тонна[6], 170-200 млн. тонна[7,8] ва 70 млн. тонна[9] қаттиқ майший чиқинди ҳосил бўлиб, юқоридаги қийматга ўз “ҳисса”сини қўшиб келмоқда.

Қаттиқ майший чиқинди(ҚМЧ)лар асосан, озиқ-овқат, қофоз, пластмасса, ёғоч, текстиль, металл ва шиша маҳсулотлари қолдиқларидан, шу билан биргалиқда электр лампочка, аккумулятор, автоқисмлар ҳамда ташландиқ дори воситалари каби айрим хавфли чиқиндилардан ташкил топган биомассанинг бир тури бўлиб, экологик тоза энергия(биогаз, биоёқилғи) олиш манбаи ҳисобланади[10,11].

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқсан ҳолда ушбу мақола Тошкент вилоятидаги Ўрта Чирчиқ туманидаги қаттиқ майший чиқиндилар энергетик потенциалини аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишининг дастлабки таҳлил натижаларига қаратилган.

Масаланинг қўйилиши. Мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида йирик ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу соҳанинг замонавий мустаҳкам норматив-хукуқий базаси яратилди. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни белгилаб берувчи 30 га яқин

қонунлар ва 200 дан ортиқ қонун ости меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Шунинг билан бир қаторда ҳозирда жамиятимизнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган экологик муаммолардан бири чиқиндилар муаммоси бўлиб, бугунги кунда чиқиндилар атроф-муҳитни ифлослантириши натижасида атроф-муҳитга, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулклари га хавф туғдирмоқда. Бундай шароитда, ҳосил бўлаётган чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, ташиб, йўқ қилиш, кўмиб ташлаш, утилизация қилиш, уларни турларга ажратиш ва қайта ишлаш масаласи устувор вазифалардан ҳисобланади[12].

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда чиқиндиларни бошқаришга оид давлат сиёсатини юритиш мақсадида 2002 йил 5-апрелда «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган. Қонуннинг асосий вазифаси чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаётига ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтиришдан иборатdir. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 15-июлдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2014-йил 12-ноябрда 2625-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон “Ўзкоммунхизмат” агентлиги бош директорининг 2014-йил 16-октябр-даги 104-сон буйруғи билан тасдиқланган майший чиқиндиларни ташиб қоидалари ва шу каби бир қатор қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинган[13].


Ечиш усули

Мазкур илмий-тадқиқот иши адабиётлар ва лаборатория таҳлили натижаларини қайта ишлаш асосида олиб борилди.

Натижалар таҳлили ва мисоллар

Тадқиқот ишлари Тошкент вилоятининг йирик туманларидан бири(Ўрта Чирчиқ тумани)даги ободонлаштириш бошқармасига қарашли чиқиндилар тўплаш полигонида ASTM D 5231-5292 ва Pn-En Европа стандартлари[14,15] асосида олиб борилди.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида худуддаги чиқиндиларни тўплаш полигонидан намуналарни йиғиш(дала эксперименти), уларни саралаш ва дастлабки таҳлиллар ўтказилди. Қаттиқ майший чиқинди намуналарини йиғиш Америка Материалларни Синаш Жамияти(ASTM) стандарти асосида олиб борилди. Майший чиқинди намуналарини йиғишда ҳар бирининг оғирлиги 20-25 кг ни ташкил этувчи тўртта катта маҳсус қоп(умумий ≈ 100 кг)дан фойдаланилди. Олинган майший чиқинди намуналари Тошкент иригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Электр таъминоти ва қайта тикланувчан энергия манбалари” кафедраси илмий-тадқиқот лабораториясида чуқур таҳлил қилинди. Шундан сўнг чиқиндилар классификация бўйича сараланди ва олиб келинган қаттиқ майший чиқинди намуналари ёғоч, озиқ-овқат қолдиқлари, полиэтилен пакет, қаттиқ пластик, текстил, шиша, резина, қора металл ва бошқалар каби ўн турдаги чиқиндилар аралашмасидан таркиб топганлиги аниқланди. Саралangan ҳар бир чиқинди турнинг оғирлиги электрон тарози ёрдамида ўлчанди ва маълумотлар ёзиб олинди[12,15].



1-расм. Тадқиқот объектидаги қаттиқ майший чиқиндилар таркиби.

1-расмдан күриниб турибдики, ёғоч чиқиндилари миқдори бошқа турдаги чиқиндиларга нисбатан юқори фойзни ташкил этди. Ёғоч чиқиндилари миқдорининг юқорилиги худуднинг географик жойлашуви, кўп қаватли уйларнинг йўқлиги ва аҳолининг асосий қисми ҳовлиларда истиқомат қилиши билан изоҳлаш мумкин.

Дала эксперименти ва саралаш натижалари(1-расм)дан келиб чиқсан ҳолда қаттиқ майший чиқиндилар проксимал таҳлили танлаб олинган(ҚМЧ ва ёғоч чиқиндилари) намуналар таркибидаги намлик миқдори, учувчан моддалар миқдори, намуна таркибидаги кул ва собит углерод миқдорини аниқлашни ўз ичига олади.

Танлаб олинган чиқиндиларнинг намлик миқдорини аниқлаш учун дастлаб намуналар хона($20\text{--}25^{\circ}\text{C}$) ҳароратида етти кун давомида сакланади. Шундан сўнг, олинган намуналар қуритиш печида 105°C ҳароратда 3-4 соат давомида қуритилади ва оғирлиги ўлчанади[12,15]. Чиқинди намуналаридаги намлик миқдори қўйидагича ҳисобланади:

$$\%M_c = \frac{\text{нам оғирлик} - \text{куруқ оғирлик}}{\text{нам оғирлик}} \cdot 100\% \quad (1)$$

Намуналар таркибидаги учувчан моддалар миқдорини аниқлаш учун умумий ҚМЧ дан 5 грамм ва ёғоч чиқинди намуналаридан 1 грамм миқдорида олинади ва мос равишда 950°C ва 900°C ҳарорат остида(Pn-En 15148-3:2010.900) алангалатилди[16,17,18].

$$\%V_m = \frac{\text{намуна нинг куруқ оғирлиги} - \text{кул миқдори}}{\text{намуна нинг куруқ оғирлиги}} \cdot 100\% \quad (2)$$

Биомасса чиқиндилари кули бу биомасса чиқиндилари ёнганда таркибидаги углерод, кислород, сув ва олтингугурт чиқиб кетгандан кейинги қолган ёнмайдиган қолдиқ. ҚМЧ ва ёғоч чиқинди намуналари икки нусхада 5 грамм(ҚМЧ учун) ҳамда $>0,1 \text{ г}/\text{см}^2$ (ёғоч чиқиндилари учун) олинди. Олинган намуналар муфель печида 60 дақиқадан кам бўлмаган вақт давомида ҚМЧ учун 400°C дан 750°C гача[19,20] ва ёғоч чиқинди намуналари учун $500\pm10^{\circ}\text{C}$ гача [17,18] ҳарорат босқичма-босқич ошириб борилган ҳолда алангалатилди.

$$\%Ash = \frac{\text{йўқолган масса} \cdot 100\%}{\text{намуна нинг умумий оғирлиги}} \quad (3)$$

Собит углерод биомасса намунаси умумий оғирлигининг намлик миқдори, учувчан моддалар ва кул миқдоридан сўнг материалда қоладиган углерод миқдори билан аниқланади. Яъни

$$\%F_c = 100 - (M_c + Ash + V_m) \quad (4)$$

бу ерда:

F_c – биомасса намунасидаги сабит углерод миқдори;

M_c – намунадаги учувчан моддалар миқдори;

Ash – биомасса намунасидаги кул миқдори;

V_m – намунанинг намлик миқдори.

1 – жадвал.

Дастлабки таҳлил натижалари

№	Кўрсаткичлар	ҚМЧ	Ёғоч
1	Намлик миқдори, %	13,05	18,22
2	Учувчан моддалар миқдори, %	62,6	49,4
3	Кул миқдори, %	20,8	21,5
4	Сабит углерод, %	3,55	10,88

1 – жадвалда ҚМЧ ва ёғоч чиқинди намуналарининг дастлабки таҳлил натижалари келтирилган. Жадвалдан кўриш мумкин, умумий ҚМЧ намунасидаги намлик миқдори 13,05 % ва сабит углерод миқдори 3,55 % ни ташкил этган. Шунингдек, ёғоч чиқинди намунасидаги намлик ва сабит углерод миқдорлари мос равиша 18,22 % ҳамда 10,88 % га teng. Намлик миқдори материални қуритиш жараёнида ундан чиқиб кетадиган сув миқдори билан ўлчанади ва бу ўша материалнинг физик ҳамда кимёвий хусусиятларига тўғридан – тўғри боғлиқ бўлиб, унга атрофдаги сувни ўзига сингдириш имконини беради[16,18]. Сабит углерод – бу материал юзасида писта кўмир кўринишида қоладиган углерод[16,17,18]. 1 – жадвалда қайд этилганидек, умумий ҚМЧ таркибида учувчан моддалар ва кул миқдори мос равиша 62,6 % ҳамда 20,8 % ва ушбу миқдорлар ёғоч чиқинди таркибида 49,4 % ва 21,5 % га teng. Ушбу икки кўрсаткич хусусияти бўйича пиролиз ва газлаштириш жараёнига тўғридан – тўғри таъсир этиш имкониятига эга. ҚМЧ ва ёғоч чиқиндилари кўмир билан таққослагандан ёнувчанлиги(ёнишга таъсирчанлиги) пастроқ бўлишига қарамасдан уларни дастлабки қайта ишлаш йўли билан таркибидаги углерод ҳамда кул каби ёнмайдиган материаллар миқдорини камайтириб, уларнинг ёнувчанлик хусусиятини ошириш мумкин[17,18].

Хулоса

Тадқиқот ишида ўтказилган саралаш натижалари тумандаги умумий қаттиқ майший чиқинди таркиби асосан ёғоч(47,9 %), текстиль(13 %), озиқ-овқат(9,5 %), полиэтилен(8,9 %), қаттиқ пластик ва шиша(5,3 %), қофоз(4,7 %), резина ва бошقا чиқиндилар(2,4 %) ҳамда металл қолдиқлари(0,6 %)дан ташкил топганлигини кўрсатди. Дастлабки таҳлил натижалари ҳудуддаги қаттиқ майший чиқинди ёғоч чиқиндиси билан таққосланганда намлик миқдори пастлигини кўрсатди ва бу натижка умумий қаттиқ майший чиқинди намуналарининг юқори энергетик қийматга эга эканлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткични қаттиқ майший чиқинди таркибидаги кул(20,8 %) ва сабит углерод(3,55 %) миқдорларининг пастлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Хулоса ўрнида айтиб ўтиш керакки, дастлабки таҳлил чиқиндилардан олинган ёқилғи ёки уларни ёниш хусусиятларини баҳолашда муҳим ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, ҳудуддаги қаттиқ майший чиқиндилар потенциалини аниқлаш мақсадида тадқиқотчилар томонидан олиб борилган мазкур илмий-тадқиқот ишининг якуний таҳлил натижалари олинмоқда.

References

1. Osarhiemhen Azeta, Augustine O. Ayeni, Oluranti Agboola, Francis B. Elehinafe. A review on the sustainable energy generation from the pyrolysis of coconut biomass. Scientific African, Elsevier, Netherland, 2021. vol. 13, e00909.

2. Obid Tursunov. A comparison of catalysts zeolite and calcined dolomite for gas production from pyrolysis of municipal solid waste (MSW). Ecological Engineering, Elsevier, Netherland, 2014. vol. 69, pp. 237–243.
3. Ari Darmawan Pasek, Kilbergen W. Gultom&Aryadi Suwono. Feasibility of Recovering Energy from Municipal Solid Waste to Generate Electricity. J. Eng. Technol. Sci., Vol. 45, No. 3, 2013, 241-256
4. Baofeng Zhao, Huajian Yang, Heming Zhang, Cunqing Zhong, Jingwei Wang, Di Zhu, Haibin Guan, Laizhi Sun, Shuangxia Yang, Lei Chen, Hongzhang Xie. Study on hydrogen-rich gas production by biomass catalytic pyrolysis assisted with magnetic field. Journal of Analytical and Applied Pyrolysis, Elsevier, Netherland, №157, 105227
5. P. Bhada-Tata, D.Hoornweg. What a waste a global review of solid waste management. Urban Development Series Knowledge Papers, World Bank, USA, 2012
6. Ayesha Tariq Sipra, Ningbo Gao, Haris Sarwar. Municipal solid waste (MSW) pyrolysis for bio-fuel production: A review of effects of MSW components and catalysts. Fuel Processing Technology, Elsevier, Netherland, 2018. № 175, Pp. 131–147
7. Qiang Song, Hong-yu Zhao, Wen-long Xing, Li-hua Song, Li Yang, Di Yang, Xinjian Shu. Effects of various additives on the pyrolysis characteristics of municipal solid waste. Waste Management, Elsevier, Netherland, 2018. № 78, Pp. 621–629
8. Wenchao Maa, Gulzeb Rajputa, Minhui Pana, Fawei Lina, Lei Zhonga, Guanyi Chen. Pyrolysis of typical MSW components by Py-GC/MS and TG-FTIR. Fuel, Elsevier, Netherland, 2019, № 251, Pp. 693–708
9. M.D. Meena, R.K. Yadav, B. Narjary, Gajender Yadav, H.S. Jat, P. Sheoran, M.K. Meena, R.S. Anti,B.L. Meena, H.V. Singh, Vijay Singh Meena, P.K. Rai, Avijit Ghosh, P.C. Moharana. Municipal solid waste (MSW): Strategies to improve salt affected soilsustainability: A review. Waste Management, Elsevier, Netherland, 2019, № 84, Pp. 38–53
- 10.O.Tursunov, J.Dobrowolski, W.Nowak. Catalytic Energy Production from Municipal Solid Waste Biomass: Case Study in Perlis-Malaysia. World Journal of Environmental Engineering, Science and Education publishing (SciEP), Switzerland, 2015. vol. 3, N 1, Pp. 7-14
- 11.Peterson Obara Magutu and Cliff Ouko Onsongo. Operationalising Municipal Solid Waste Management. Integrated Waste Management, INTECH Open Access Publisher, London, 2011. – vol. 2, Pp. 3-10
- 12.N. Abduganiyev. Comprehensive study of the characteristics of household waste for the production of bioenergy. Traditional XVIII-year scientific-practical conference of young scientists, masters and gifted students on “MODERN PROBLEMS OF AGRICULTURE AND WATER RESOURCES”. Collection of articles 2019, Toshkent, Pp. 293-296(in Uzbek)
- 13.F. Rakhmatullaev, S. Turabdzhhanov, L. Rakhimova, N. Kabilov. Process of pyrolysis processing of municipal solid waste and installation for its implementation. Universum; Chemistry and Biology, Moscow – 2021, N5 Pp. 43-46(in Russia)
- 14.Tursunov O, Dobrowolski J, Zubek K, Czerski G, Grzywacz P, Dubert F, Lapczynska-Kordon B, Klima K, Handke B. Kinetic study of the pyrolysis and gasification of Rosa Multiflora and Miscanthus Giganteus biomasses via thermogravimetric analysis. Thermal Science, Springer, Switzerland, 2018. № 22, Pp. 3057-3071
- 15.Obid Tursunov, Nurislom Abduganiev. A comprehensive study on municipal solid waste characteristics for green energy recovery in Urta-Chirchik: A case study of

- Tashkent region. Materials Today: Proceedings, Elsevier, Netherland, 2020. vol. 25, Pp. 67-71
- 16.Obid Tursunov, Jan Dobrowolski, Kazimierz Klima, Bogusława Kordon, Janusz Ryczkowski, Grzegorz Tylko, Grzegorz Czerski. The Influence of Laser Biotechnology on Energetic Value and Chemical Parameters of Rose Multiflora Biomass and Role of Catalysts for bio-energy production from Biomass: Case Study in Krakow-Poland. World Journal of Environmental Engineering, Science and Education publishing (SciEP), Switzerland, 2015. Vol. 3, No. 2, Pp. 58-66
- 17.Tursunov O, Dobrowolski J, Zubek K, Czerski G, Grzywacz P, Dubert F, Lapczynska-Kordon B, Klima K, Handke B. Kinetic study of the pyrolysis and gasification of Rosa Multiflora and MiscanthusGiganteus biomasses via thermogravimetric analysis. Thermal Science, Springer, Switzerland, 2018. № 22, Pp. 3057-3071
- 18.Sanlisoy, M.O. Carpinlioglu. A review on plasma gasification for solid waste disposal. International Journal of Hydrogen Energy, Elsevier, Netherland, 2017. № 42 Pp. 1361-1365
- 19.O.Tursunov, J.Dobrowolski, W.Nowak. Catalytic Energy Production from Municipal Solid Waste Biomass: Case Study in Perlis-Malaysia. World Journal of Environmental Engineering, Science and Education publishing (SciEP), Switzerland, 2015. Vol. 3, № 1, Pp. 7-14
- 20.Demirbas A. Relationships between heating value and lignin, moisture, ash and extractive contents of biomass fuels. Energy Explor Exploit, SAGE journals, USA, 2002. № 20, Pp. 105–111.

Bog'lanish uchun

1. Abduganiev Nurislom Nuritdin uglify, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers. basic doctoral student, Kori-Niyazi 39, index: 100000 tel: +99894 693-69-68 abduganiyevnurislom@tiiame.uz.